



ЛИРИКА

---

Садриддин Салимов

---

*Рўмолча*

---

Шеърлар

---

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1988

---

Серияни рассом *Анатолий Бобров* безаган

---

**Салимов, Садриддин.**

Рўмолча: Шеърлар.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988.—136 б — (Лирика).

Садриддин Салимов шеъриятимизга ўз овози билан кириб келган иқтидорли шoirдир. Унинг Ватанга бўлган меҳри Бухоро орқали ошқор этилади. Ушбу китоб ана шундай меҳр-муҳаббат акс этган шеърлардан таркиб топди.

**Салимов С. Платочек: Стихи.**

С 4702570200—53  
М 352 (04) —88 33—88

Ўз2

ISBN 5—635—00053—3

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 й.

## ЭЛ МЕХРИ

Етмоқ мумкин дунёда не бор,  
Зафар мудом сенга ёр, юрак!  
Эл меҳрига лекин сазовор  
Бўлмоқ учун не этмоқ керак?

Эл меҳрини қозонмоқ учун  
Шарт эмаскан бўлмоқ нишондор,  
Эл меҳрига бу кўҳна очун  
Не шоҳларни айламаган зор.

«Англасин бу ҳикматни ҳар чоқ,—  
Искандар дер,— подшоҳми, қулдир,  
Мушкул эмас дунёни олмоқ,  
Эл меҳрига етмоқ мушкулдир!»

Эл буркайди мени, деб, шонга,  
Эҳром қурмоқ эмас кифоя,  
Саратонда даркор деҳқонга  
Эҳром эмас, тангадай соя.

Элнинг меҳри — абадий довруқ,  
Эл меҳрига етади ҳар ким,  
Эл бошига чиқиб эмас, йўқ  
Элни бошга кўтариб, дўстим!

## ҚУЁШ ҚУЧОҒИМИЗДА

Биз бир халқмиз, дарахтим,  
Биз бир тилда сўзлаймиз.  
Биз бир халқмиз, дарахтим,  
Бир қуёшни кўзлаймиз.  
Гапларимга силқиб бош,  
Сўзлайсан шивир-шивир.  
Биз сен билан қариндош:  
Мен — шоир, сен ҳам шоир.  
Оёғингдир илдизинг,  
Қўлларинг шохларингдир.  
Сенинг ҳам бор-ку сўзинг,  
Шамоллар «оҳ»ларингдир.  
Шеърларинг мевангда жо.  
Тинмайсан шеър ёзишдан.  
Қуюнлар келса ногоҳ  
Уяласан нолишдан.  
Баргларинг тилларингдир,  
Сиринг тутмайсан пинҳон.  
Севинч-ғамингни бир-бир  
Айтажаксан беармон.  
Қоматинг эгилмайди  
Чақмоқлар чақилса ҳам,  
Бўронлар дайдиб-дайдиб  
Бошингга йиқилса ҳам.  
Томиринг ичра оқар  
Кўм-кўк қон бўлиб умид.  
Навбахор эшик қоқар,  
Куртақларингдир шоҳид.  
Бошингда турфа хаёл:  
Бошингда гуллаган ер,  
Унда яшил истиқбол,  
Унда хазон билмас шеър.  
Биз бир халқмиз, дарахтим,  
Хазонлардан йироқда.  
Биз бир халқмиз, дарахтим,  
Қуёш бизнинг қучоқда.

\* \* \*

Онамни тошпирдик тупроққа,  
Онамга айланди бу тупроқ.  
Муқаддас саналиб, қучоққа  
Онадай жойланди бу тупроқ.

Заминга сигиниб туну кун  
Унга бахш атаркан ранг, ҳаёт,  
Мен билдим, Заминни не учун  
Она-Ер атаркан одамзод.

Юрагим тоб бермас фироққа,  
Кетмасман Заминдан ҳеч йироқ...  
Онамни тошпирдим тупроққа,  
Онамга айланди бу тупроқ.

\* \* \*

Келаётир тонг кўкариб,  
Қуёш чиқиш арафаси.  
Муаззиндай қўл кўтариб  
Турар бобом араваси.

Тушларини қуваётир  
Малла тойчоқ кишнаб саҳар,  
От елкаси сим-сим оғрир  
Арава қўл чўзган маҳал.

Ташвишлар-чи, қўлин чўзиб  
Уйғотмоқда бобомни ҳам,  
Йўл бетиға излар чизиб,  
Араваси борар илдам....

\* \* \*

Йўқ. Мен дарахт бўла олмайман,  
Қайирсалар, кўз ёш тўкмасам.  
Йўқ. Мен майса бўла олмайман,  
Топтасалар, фарёд чекмасам.

## ХОТИРА КУНИ

Хотирасиз кун борми?  
Кунларда хотира бор.  
Ўтди — қишми, баҳорми,  
Келди — ёмғир ёки қор?!

Сен дема, эҳром учун  
Ўтмиш балки, унутдир.  
Эҳром, бу — кўҳна очун,  
Хотираси сукутдир.

Тошлар тарих қаъридан  
Келмиш, дема, бу — наво!  
Шарқ Уйғониш давридан  
Ғарбга хабар — Бухоро!

Лаби Ҳовуз тутлари  
Нени хотирда тутгай?  
Инқилоб бургутларин  
Наҳот улар унутгай?!

Чор Минорнинг остидан  
Ўтганда бўл эҳтиёт,  
У кимларнинг устидан  
Кулмаган эй, гофил зот!

Ярадор қалъа ҳамон  
Нени қўриқлар, ёҳу!  
Санъатгадир у қалқон,  
Санъатга хотира у.

Минор юзида доғлар,  
Танида-чи жароҳат,  
Тўп нишон олган чоғлар  
Хотирасида абад...

Кимлардир — бу эмас сир —  
Ўлмоқ учун туғилар,  
Улардан хотир — қабр,  
Улардан ёдгор — туғлар.

Сино, Ал-Хоразмийга,  
Собир Раҳимга қуллуқ!  
Булар учун ва лекин  
Туғилмоқ бор, ўлмоқ йўқ.

Ўтган миллион йилни  
Хотирлар битикларим,  
Тупроқ эканлигимни  
Хотирамда тикладим.

Умр-ку гоят азиз,  
Умр — кун, умрдир тун,  
Аслида шошиламиз  
Хотира бўлмоқ учун.

## АФАНДИНИНГ АНОНИМЧИГА ЖАВОБИ

Афандининг устидан ҳам  
Имзосиз хат тушганмиш,  
Мухолифлар суриб қалам,  
Шу гапларни битганмиш:

«Афандига эшак ҳамроҳ,  
Бизни ҳамроҳ этмайди.  
Сирларидан ҳайвон огоҳ,  
Бизни огоҳ этмайди.

Давлат учун зарарли у,  
Бор айбини очамиз,  
Кулгуси ҳам мисли оғу,  
Заҳарландик қанчамиз.

Қанча еса, тўймас эшак,  
Удир очофат, нодон.  
Шу сабабли дағал хашак  
Плани тўлмас ҳамон.

Эшакни, шу талаб, хуллас  
Олсин «ҳайвонот боғи»,  
Ҳанграшига тоқат қилмас  
Меҳнаткашлар қулоғи».

Афанди-чи, бундан кулар,  
Ёв қолар куйиб, ёниб.  
«Жониворни минса бўлар,  
Сизни бўлмайди миниб.

Сирни сотмас бизнинг эшак,  
Ақлдан у озмайди,  
Сизлар каби, келтирманг шак,  
Имзосиз хат ёзмайди,

Шу сабабли,— дер Афанди,  
Эшак ҳамроҳим мангу.  
Мана, яна у ҳангради,  
Анонимга жавоб шу!»



## КҮМИЛГАН ХОВУЗЛАРГА МАРСИЯ

Униб чиқса эди мармартош,  
Ер бағридан майсалар каби,  
Хатомизни этардию фош  
Биз хижолат чекардик балки.

Мармартошда бўлсайди арвоҳ  
Этар эди безовта ҳар кеч.  
Кун кўрмасдик лоқайд, бепарво,  
Тирикларни кўмарларми ҳеч?

Кўмилди у одамдай гарчанд  
Кўмилмаса соғ қолар эди,  
Мармартошда бўлсайди фарзанд  
Сўзсиз биздан ўч олар эди.

## ҲАМРОБИБИ ЭРТАГИ

Ҳамробиби эртақларига  
Кириб келар неки беозор,  
Қушча, тойча умрини этар  
Ҳамробиби хумдонда пойдор.

Эртақдаги қаҳрамонларга  
Шақл берар, рангда — дил қўри.  
Эртақига киритмас асло  
Мени чиз, деб келса ҳам бўри.

Ҳамробиби айёр тулкига  
Дуч келса ҳам ҳаётда, ҳамон  
Эзгуликнинг аскарларини  
Кўпайтириб, сақлайди омон.

Ҳамробиби беозор қушча  
Расмин чизиб, заҳмат тортади.  
Чунки ёвуз бўри, тулкилар  
Бу ҳаётда етиб ортади.

## ҲАМРОБИБИГА МАРСИЯ

— Кўзингизда ёш йўқ, қўғирчоқ?!

Хуштак, фарёд этмас бўғзингиз?!

— Бордир кўзу оғзимиз, бироқ

Йиғламанг ҳеч, деган бибимиз,

— Кўтармабсиз, бел боғлаб, тобут?!

Асо олиб турмабсиз қўлга?!

— Улим йўқ, деб берарди ўғит,

Биби келар, кўзимиз йўлда...

## ШАҲРИ ХАЙБАР

Шаҳри Хайбар ёки Пайкент номи билан  
машҳур шаҳар Бухородан қадимийроқдир.

*Абу Бикр Муҳаммад ибн Жаъфар  
Наршахий*

Емғир ёғса хоҳ қиш, хоҳ баҳор  
Шаҳри Хайбар қўрғонига бор,  
Шамол қўпса хоҳ қиш, хоҳ баҳор  
Шаҳри Хайбар қўрғонига бор,  
Олтин дур топасан, дўстим,  
Шаҳри Хайбар қўрғонига бор.

*Қадимий Бухоро халқ қўшиғидан.*

Бунда олтин қумга қоришиқ,  
Бунда аср зумга қоришиқ,  
Далил, тарих хумга қоришиқ,  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

Оташкада ичра кул хомуш,  
Қабрларда хону кул хомуш,  
Синиқ сопол узра гул хомуш,  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

«Ер устига сиғмаймиз, ер — танг!»  
Дея тун-кун этганлар ҳам жанг.  
Ер остига сиғмишлар, қаранг!  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

На дарвоза, на қўрғон қолмиш,  
Тоғу тахтдан на нишон қолмиш,  
На бир ҳукму, на фармон қолмиш,  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

Қайда девон, қайдадир дафтар,  
Хувиллайди шомдан то шаҳар,  
Шамол ҳукми остида шаҳар,  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

Шаҳри Хайбар беради хабар:  
«Шамолу қум эмасдур хатар,  
Хатар — тама, хатар — сийму зар!»  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

Келганим йўқ олтин, дур истаб,  
Сайёҳлардай ё ҳузур истаб,  
Кўрдим: келмиш мозий нур истаб,  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

Юраяпсан жамлаб пул, олтин,  
Қалбингни қум кўммасдан олдин,  
Ғофил одам, кел, назар солгин,  
Ҳикмат туйдим шаҳри Хайбарда.

\* \* \*

*Омон Мухторовга*

Бухорода туғилдик гарчи,  
Гарчи берди Бухоро камол,  
Бухородан оламиз хабар  
Гоҳ-гоҳ келиб лайлақлар мисол.

Болаларнинг кўзида соғинч,  
Соғинч бизнинг кўзимизда ҳам,  
Болаликнинг ҳайрати билан  
Тор кўчага ташлаймиз қадам.

Эҳромларни айлаб зиёрат,  
Сўнг осмонга учамиз дарҳол.  
Бизни маънос кузатар дўстлар,  
Лайлақларни кузатган мисол.

# ҶАДИМИЙ КУЙ

*Улмас Расулова*

Тирик қолган бир байтдан, ажаб,  
Бир ғазални тикласа бўлар.  
Муҳандис бир парча кошиндан  
Кўкартира олади гуллар.

Ер қатидан топилган сопол  
Кулолини, йилини айтар.  
Мен изладим: қай хазинада  
Пинҳон экан куйлару байтлар?

Қай ғазални уч минг йил олдин  
Она халқим куйлаган экан?  
Куйи қандай «Кини Сиёвуш»,<sup>1</sup>  
Широқ этган қай куйни Ваган?

Сарбадорни қайси куй эрк, деб  
Муқаддас жанг сари йўллади?  
Ғаддор ёвни енгган Тўмарис —  
Онани қай оҳанг қўллади?..

Минорани тиклаган уста  
Юрагида қайси қўшиқ жо?  
Дўстлар, дўстлар! Минори Кабир  
Уша қўшиқ суратими ё?

Мен англадим, тута олмабди  
Муסיқани ернинг сийнаси,  
Она халқим қалбида экан,  
Ул қадимий куй хазинаси.

Она халқим томирларида  
Қадимий куй, қўшиқлар кезар.  
Буни фақат халқ томири-ла  
Томирлари туташган сезар.

---

<sup>1</sup> Сиёвушнинг ўлимига бағишлаб айтыладиган ашула номи. (*Наршахий.*)

# БУХОРОНИНГ ЁШИ

А. Муҳаммаджоновга

Муаррих дер: «Йиллар элчидур,  
Абадийлик ададларидан,  
Аниқламоқ бўлдиқ тарихни  
Бухоронинг қаватларида».

Икки мингу тўрт юз йил сана...  
Икки мингу... Муаррих ҳайрон.  
Шаҳристоннинг тубига етмай  
Сув чиқади, йўқ ўзга имкон.

Қават-қават шаҳар қатлами,  
Қарнларга ҳамоғун ётар.  
Не сир борки, Бухоро сувга  
Ўз ёшини солиб йўқотар?

Ёшига ёш қўшиб айтмоқни  
Касб этганда ўзгалар бугун,  
Бухоройи шариф — мўйсафид  
Ўз ёшини яширар нечун?

Муаррих дер: «Пойингдаги сув  
Қайдан бўлган экандур пайдо?  
Тубсиз баҳр устида шаҳар,  
Тубсиз баҳр устида саҳро?»

Босқинчилар ҳар бор этганда,  
Яғмо боғи эрамларингни,  
Бехонумон рубъи масқунда  
Қилганида эранларингни —

Кўз ёш тўқдинг, пойингдаги сув  
Шу ёшларми, этаяшман ҳис!  
Шунинг учун эканми ёхуд  
Кўз ёш билан ёш сўзга ҳамжинс?

Белгимиди кўз ёш миқдори  
Ё мозийда муборак синдга?  
Эй Бухоро! Пойингдаги сув  
Не бўлса ҳам, муборак сенга!

Тўрт унсурдан бири сув эрур  
Ўзгасидир хоку ел, оташ.  
Илдиз сувга етгани заҳот  
Бўлгай ҳаёт унсури туташ.

Ҳолимиз не? Чекибмиз қайғу  
Зарафшон сув бермаса агар,  
Келтирибмиз Амуни мажбур  
Бизлар ушбу сувдан бохабар.

Ўз қўйвиға олибдим, бас,  
Сенинг томир — илдизингни сув,  
Демак, илдиз сувга етдим  
Умр боқий, деганлари шу!

Бағрингни чок этмай англадим  
Нечададир ёшинг, онажон!  
Сен қадимсан қадим сўзидан  
Авестони яратган забон!

Рақам ҳали бўлмаганди кашф,  
Ёш йўқ эди дунёда, аммо,  
Сен бор эдинг, эй она замин!  
Сен бор эдинг, она Бухоро!

## САЙРОБ ПАНЖОБИДАГИ ДАРЁ БАЛИҒИ

Кумуш танга сувда сузар,  
Жарангламас кумуш танга.  
Дарё тиниқ, дилим сезар,  
Шум хатардир кумуш танга.

Тиниқликдир унга душман,  
Дарё асрай олмас, тайин,  
Лойқалатсам бўлмасмикин,  
Бўлмас экан-да, нетайин?

Бу дарёнинг чўнтаги бор,  
Сигмагайми кумуш танга?  
Бу дарёнинг чўнтаги тор  
Илма-тешик экан-да!

Офтоб — ғаввос, моҳтоб — ғаввос —  
Кумуш тангани тилайди,  
Тоғ ҳам турар бермай овоз,  
Кумуш танга ялтиллайди.

\* \* \*

Бамисли қаноти  
Кесилган қушдай.  
Нигоҳим юзингдан  
Сирғалиб тушди.

Мен уни кўтара  
Олмайман энди.  
Нигоҳим заминга  
Гўё михланди.

Юзларинг иффиати —  
Ҳаёси қани?..  
Нигоҳим юзингдан  
Сирғалди сенинг.



Теракларнинг учларига  
Илиниб қолган варрагим...  
Овозлари ичларига  
Тушиб, толган варрагим.

Юксакларни қўмсар эдинг  
Ишониб шамолларга.  
Булутлардай кезар эдинг  
Эрк бериб хаёлларга.

Богланди-ку ҳаётларинг,  
Тугунни ечолмайсан.  
Богланди-ку қанотларинг  
Осмонга учолмайсан.

Учирмоққа теракни ҳам  
Уриндинг кеча-кундуз.  
Илдизлари унинг маҳкам,  
Сенда эса йўқ илдиз.  
Теракларнинг учларига  
Илиниб қолган варрагим.

## ДИЛИЖОН

(Ҳазил)

Мен севаман сени, сен мени,  
Кутаянимиз, Дилижон, пени?  
Келгин, бошга кўтарай сени,  
Кел, Дилижон! Келгин, Дилижон!  
Ўнгимда ҳам, тушимда ўзинг,  
Хаёлимда, ҳушимда ўзинг,  
Чиқдинг аста бошимга ўзинг,  
Эҳ, Дилижон! Эҳ-е, Дилижон!  
Энди сени қандай туширай,  
Қайси бошга аста оширай,  
Бошгинамни қайга яширай,  
Оҳ, Дилижон! Э воҳ, Дилижон!



## БУХОРО. ЗИЛЗИЛАДАН СЎНГ

Эй, Минора! Саломатмисан?  
Келаянман саҳардан йўқлаб,  
Чунки сенинг оёқларинг йўқ,  
Келолмайсан ҳолимни сўраб.

Битикларинг мунаққаш, мағруб,  
Безакларинг эрур оламгир,  
Сен бўлмасанг кемтикдир дунём,  
Сен бўлмасанг дунёмдир сағир.

Сен тарихни опичлаб келдинг,  
Эй, бобомнинг битган шоҳ байти!  
Хавфсиз жойга сени опичлаб  
Кетолмадим зилзила пайти.

Илдиз отдик, Минораи Калон,  
Минг йилдирки, бир ерда яшаб,  
Қандай сени ташлаб қочайин,  
Қочмадинг-ку сен мени ташлаб.

Зилзилалар, довуллар бекор,  
Бухородир бизларга Ватан.  
Шул мўътабар, кекса онага  
Сен ҳам фарзанд, мен ҳам бир фарзанд.

Эй, Минора! Зилзилалардан  
Омон қолгай имони борлар,  
Омон қолгай доруломон юрт,  
Доруломон замони борлар.

## ТҰРТЛИҚЛАР

Дилбар қирқта кокилини тараб-тараб ташлади,  
Тинч дунёмни остин-устун этиб, ё раб, ташлади,  
Ҳар толага бойландиму эргашмай иложим йўқ,  
Силтагандай сочни, нечун мени силтаб ташлади.

\* \* \*

Ғийин экан яшамогинг  
Кўзгу бўлиб оламда,  
Кимдир афтин кўрган чоғи  
Синдиради аламдан.

\* \* \*

Хазон япроғидай пойингдадурман,  
Баробар куну ҳам ойингдадурман,  
Хоҳ назар эт, хоҳ этма, ихтиёринг,  
Сабрда мисли тош сойингдадурман.

\* \* \*

Сен дўстингни сотдинг-ку бугун,  
Эртага Ватанни сотасан!  
Дилинг бўм-бўш, чўнтагинг мамнун,  
Бой каби сен қашшоқ ётасан!

\* \* \*

Чўмилмоқда она-ер тўйиб,  
Кўкдан тушар тизилиб маржон.  
Бехавотир у чўмилсин деб,  
Парда билан тўсилган осмон.

\* \* \*

Мен армонни армон демасам,  
Мен ёмонни ёмон демасам,  
Ёпишади заминга осмон,  
Мен ёлғонни ёлғон демасам.

1

— Бахт нима у? Давлатми?  
Ё шуҳратми, савлатми?  
Бахт нима у? Недир бахт?  
— Бахтсизликни енгиш — бахт!

2

Табиат ишлари қизиқ, бу не бахт,  
Осмонга оёқсиз чиқади дарахт.  
Ҳайратга тушмагил, унутма асло,  
Осмонга оёқсиз чиқади дарё.

Ўкинма, юрмоқлик менга, деб маҳол,  
Осмонга оёқсиз чиқади хаёл.

3

Кун кўради биров вужуди  
Айлангунча қоринга фақат  
Ва қоринга айланар унинг  
Юраги ҳам бир кун оқибат.

Ният этинг, нафси ўлдириб  
Яшаганлар етар тилакка,  
Тинмагайман, тинмайман асло  
Айлангунча вужуд юракка.

Учиб кетди, менга тортиқ  
Рўмолчангдан, моҳпайкар,  
Ўзинг, бир жуфт — жондан ортиқ  
Тасвир этган кабутар.

Учиб кетди кабутарнинг  
Тумшугида қасамёд.  
Билмай қолиб биз хатарни  
Қушни йўқотдик, наҳот?..

Сен у томон, мен бу томон,  
Гуллади гилос, олча.  
Ўртамизда турар ҳамон  
Тасвириоз бир рўмолча.

\* \* \*

Оққушгинам, ой нурида сузасан,  
Ойдин осмон хаёлини бузасан.  
Олтин донни бир кун кўкдан узасан,  
Оққушгинам — парвоздаги хаёлим.

Қанотларинг орзуларни қучмоқчи,  
Булутларни ёриб-ёриб учмоқчи,  
Қучоғингда улкан дунё қувончи,  
Оққушгинам — парвоздаги хаёлим.

Кўзларингни саррин шамол ўпади,  
Кўзларингда ой шуъласин тўқади,  
Қалбга осмон умид бўлиб чўқади,  
Оққушгинам — парвоздаги хаёлим.

Юрагим мисоли Бухоро,  
Унинг ҳам қалъаси вайрондир,  
Ланг очиқ ўн икки дарвоза,  
Эҳромин кўрганлар ҳайрондир.

Юрагим мисоли Бухоро,  
Муқаддас — тунлари, кундузи.  
Дарёлар қуриса ҳамки, ҳеч  
Қуримас чашмаси, ҳовузи.

Юрагим мисоли Бухоро,  
Унда бор чаманлар ва туглар,—  
Ўлимни ё мағлуб бўлишни  
Сира ҳам билмаган улуғлар.

Юрагим мисоли Бухоро,  
Намоён шодлиги, азоби.  
Ул сўнгги хаттоти ҳарф битар,  
Сув тутар энг сўнгги мешкоби.

Юрагим мисоли Бухоро,  
Уни забт этолмас тождорлар,  
Қамалга, очликка бўйсунмас  
Гумбазлар, Дарахтлар, Минорлар.

Юрагим мисоли Бухоро,  
Париваш, бир нигоҳ этсангиз,  
Бандангиз бўларди юрагим.  
Ихтиёр сизда сўнг нетсангиз!

## СУҲБАТ

Наманганда, Пушкин номли боғда ўтириб  
Шеър тингладик, панд эшитдик пири донодан,  
Чойхоначи Ғани ака чой дамлаётиб  
Ривоятлар сўзлаб берди Ибн Синодан.

Чойхоначи Ғани ака чой дамлаётиб  
Сўраб қолди мендан Омон Матжон соғлигин.  
Билмоқ бўлди Лаби Ҳовуз ёнидаги Тут  
Ҳамда машҳур Минораи Калон соғлигин.

Наманганда, Пушкин номли боғда ўтириб  
Асрлардан асрларга этдик саёҳат,  
Чойхоначи Ғани ака чой дамлаётиб  
Гоҳ Саъдийдан, гоҳ Айнийдан этди ҳикоят.

Ёмонларга лаънат ўқиб, дилни бўшатдик,  
Холис айтдик неки умид, неки ниятдир.  
Лекин ғийбат қилмадик, биз бундай суҳбатда,  
Улуғларнинг номидан сўнг ғийбат уятдир.



Сени соғинганимни сўзга айтмадим,  
 Рақиблар билмасин деб кўзга айтмадим,  
 Оқар сувга ёинки музга айтмадим,  
 Баҳор ўтди, ёз ўтди, кузга айтмадим,  
 Сендан салом келтирган қизга айтмадим,  
 Қасам ичдим, лекин нон, тузга айтмадим.

Қўлимдан не келарди нидодан бўлак,  
 Қўлингдан не келарди жафодан бўлак,  
 Маҳрагим ким бўларди наводан бўлак,  
 Алагим ким биларди сабодан бўлак,  
 Сендан салом келтирган қизга айтмадим,  
 Қасам ичдим, лекин нон, тузга айтмадим.

Рақиб айғоқчиликда кўрсатди сабот,  
 Дунёни айғоқчилар талади, наҳот?  
 Айғоқчига тегаркан асли мукофот,  
 Бўғзимга тиқилса ҳам андуҳу фарёд,  
 Сендан салом келтирган қизга айтмадим,  
 Қасам ичдим, лекин нон, тузга айтмадим.

Таваккал этганларга саодат ёрдир,  
 Саодатли ошиққа дунёлар тордир,  
 Гарчи йўлингни пойлаб кўзларим чордир,  
 Сени соғинганимнинг муждаси бордир,  
 Сендан салом келтирган қизга айтмадим,  
 Қасам ичдим, лекин нон, тузга айтмадим.

# ИБН СИНОГА

## 1

### СИТОРАБОНУ АЛЛАСИ

Ташқарида увиллар шамол,  
аллаё-алла.  
Йўлинг бўлсин доим безавол,  
аллаё-алла.  
Бешигингинг тумори ҳилол,  
аллаё-алла.  
Йиллар ўтиб этасан сафар,  
аллаё-алла,  
Дунёда кўп экан хавф-хатар,  
аллаё-алла,  
Дунёда кўп ўқ-ёй ва ханжар,  
аллаё-алла.  
На сипоҳ бўл ўғлим, на подшоҳ,  
аллаё-алла,  
На жаҳонгир ва на пайгамбар,  
аллаё-алла,  
Мен туну кун этаман дуо,  
аллаё-алла,  
Халқ дардидан бўлгил бохабар,  
аллаё-алла.  
Шунда сенга кор этмас ханжар,  
аллаё-алла,  
Сендан йироқ бўлар хавф-хатар  
аллаё-алла.

## 2

Инсон дардни енгмоққа қодир,  
Дардманд бисёр бўлди, бобожон.  
Елғон гапирган ҳам касалдир,  
Елғончилик дарди — ноаён.

Ўнинчи аср дардга чалинган,  
Малҳамингиз шифо, бобожон.  
Елғончилик дардига малҳам  
Тополмасдан бўлдингиз ҳайрон.

Йиллар ўтди, изладик шифо,  
Ҳақиқатни топдик, бобожон,—  
Елғончилик дардига аммо  
Тополмади бир даво инсон.

Ҳайрон жаҳон сиздайин марддан,  
Юргимизга қойилдир жаҳон...  
Курашяпмиз энг сўнгги дарддан  
Халос бўлмоқ учун, бобожон.

### 3

Орта қолди шуҳрат, шон,  
Орта қолди бор унвон,  
Токчада қолди ҳамён,  
Сино келаётир.

Оқ бедов айлар шитоб,  
Йўлни ёритар моҳтоб,  
Хуржунда фақат китоб,  
Сино келаётир.

Минг йиллик йўл экан бу,  
Минг йиллик фироқ, қайғу,  
Бухоро этган орзу —  
Сино келаётир.

# НАСРИДДИН АФАНДИ СУҲБАТЛАРИДАН

## 1

Катта араванинг кетидан  
Кичик аравалар юради,  
Катта итлар ҳуради аввал,  
Кейин кичик итлар ҳуради.

Каттаамисиз, кичик — барибир  
Араванинг кетидан юрманг.  
Итлар касби ҳурмоқ, лекин Сиз  
Итга қараб беҳуда ҳурманг.

## 2

Майса дер: «Судралиш бас!  
Осмонга етиш керак!  
Ўсмоққа ҳеч қўймайди  
Қуёшни тўсиб терак».

Терак қулади. Офтоб —  
Нур сенди ҳовуч-ҳовуч.  
Лекин майсанинг қадди  
Ҳамон, дўстлар, бир қарич!

## 3

Ҳасадгўй ҳасад ейди,  
Ёлғончи ичар қасам.  
Дунё пеъматларидан  
Улар бебаҳра ҳар дам.

Ичи қоралар эса  
Сен билан ўртоқ бўлмас.  
Ичи қора сут ичса  
Ҳамки, ичи оқ бўлмас...

Гар бош пастга кетса ногаҳон,  
 Оёқ чиқар тепага шу он.  
 Оёқ — беқўз, оёқ — беқулоқ,  
 Энг даҳшати, миясиз — оёқ! —  
 Бош устига чиқиб бемалол  
 Фармон берар шаҳаншоҳ мисол...  
 Бош елкада тургани маъқул,  
 Оёқ пастда бўлгани маъқул.

Қўли қирқилган тутлар  
 Ипак кўйлак киймайди.  
 Тери берган қўзичоқ  
 Асло телпак киймайди.  
 Сут ичмас майса, ўтлар,  
 Китоб ўқимайди шеър.  
 Эй, гофил кимса! Булар —  
 Бетама хизматдадир.

Ким қутласа, унга дарҳол  
 Мансаб бермиш янги шоҳ,  
 Мен бормадим саройига  
 Сирдан бўлсам-да огоҳ,  
 Мендан пинҳон бориб шоҳга  
 Эшагим бош эгибди,  
 Менга аталган мансаб  
 Эшагимга тегибди.

## ОНАМНИ СОҒИНИБ

Ҳар кимарса йўқолса,  
афсона бўлиб қолар,  
Афсоналар қўйнига  
сен ҳам кетдингми, она?  
Ҳар кимарса йўқолса,  
бегона бўлиб қолар,  
Бегоналик қўйнига  
сен ҳам кетдингми, она?  
Шамол силар бошимни,  
Ёмғир тўкар ёшимни,  
Шамолу ёмғир бўлиб  
ташриф этдингми, она?  
Армон бўлмас дегандинг  
мен ҳаққа етган замон  
Ёки ўзинг айтгандай  
ҳаққа етдингми, она?

\* \* \*

Қандай сендан олайин хабар,  
Бошланади қайдан остона?  
Қай имлода ёзсам хат етар,  
Арабийми ё суғдиёна?

Майсаларда йўқ эрур забон,  
Майсаларнинг тилида титроқ.  
Этолмайди ҳолингни баён,  
Гарчи мендан сенга яқинроқ.

Бўзлагайман юрагим тўлиб,  
Қайда эшик, қайда эрур йўл?  
Қошки, эшик ё майса бўлиб,  
Чўзолсайдим сен томонга қўл...

Ўзга ерларда осмондан нур ёғилса, осмон  
Бухоро заминидан нур эмар экан.

*Онам Шамсия Ҳомид қизи сўзларидан*

Тунлари ўлчайди савоб, гуноҳни  
Кўкдаги Тарозу<sup>1</sup> ростгўй, бешафқат.  
Мағоқи Аттори<sup>2</sup> бўлар гувоҳи  
Тунларга мен ҳисоб берурман фақат.

Бухоро тунлари сернур, нурзиё,  
Заминдан осмонга гоҳи сузар нур.  
Тоқи Заргароннинг бошида кулоҳ,  
Кўкка бошинг тегса, қиласан ҳузур...

Заминга кўмгандан кейин, дерларки,  
Нурга айланаркан беғуноҳ одам.  
Бу кеч бир тутам нур кўкка ўрлади,  
Бу кеч кўкка қараб кетмоқда онам.

Биламан, эртага бошқа бўлур кун,  
Яна-да ёруғроқ бўлади олам.  
Қуёшни кўрганда, юрагим, овун!  
Эрта қуёш бўлиб келади онам.

---

<sup>1</sup> Тарозу юлдузга ишора.

<sup>2</sup> XII аср обидаси.

# ҲАЙРАТ БУХОРИЙ<sup>1</sup>

Бухорода шоирлигингни  
Сен не учун қилмадинг ошкор? —  
Маддоҳлару қофиябозлар  
Ўзларини этганда бозор?

Бухорода булбул сен эдинг,  
Ё қафасдан айладинг ҳазар?  
Қўшиқларни айтдинг ичингда,  
Юрагингга ким ташлар назар?

Бухоронинг тош кўйлаги кўп,  
Юрагингни қисдими тошлар?  
Қандай чидай олдинг тошдан ҳам  
Лоқайд бўлиб турганда бошлар?

Бухорода ҳайратга тушиб  
Ҳайрати йўқ кимсалардан сен,  
Қандай этдинг жавоҳир тўла  
Юрагингни сахро каби кенг?

Бухорода «ҳозир-ҳузур!» — деб  
Зоглар имон сотиб — нишондор,  
Шундай вақтда сен қандай тутдинг  
Шоирликни этмасдан мурдор?!

Сен йигирма етти ёшингда  
Ер остига этганда сафар,  
Бухорони «Девон»инг аро  
Яширолдинг қандай бехатар?

Сен яширдинг қабрингни ҳатто,  
Тарих кўзи кўрмиди магар?  
Ё дедингми бузмасин уни  
Шухратпараст, дунё беҳабар?

---

<sup>1</sup> Ҳайрат Бухорий — Садриддин Айнийнинг усто-зи, тенгдоши, классик шоир. Тириклигида шоирлигини пинҳон тутган.



Тарих йўли — қаламинг йўли,  
Шойрликни бамисли имон  
Сен хатардан қандай ўтказдинг  
Йигирманчи асрга омон?

Бухоронинг бағрида гарчанд  
Сенинг номинг тилда, эъзозда,  
Сўзни сотмоқ гамида юрган  
Зоғлар ҳамон йўқми парвозда?

Қабрингни-ку излаб юрибди  
Кечиккан шон, кечиккан шуҳрат,  
Лекин бундан, қарангки, дўстлар,  
Хатто зоғлар этмоқда ҳайрат.

Чорламаса имоним агар  
Олармидим қўлимга қалам?  
Бор бўл юртим, бор бўл шеърят,  
Бор бўлсин бу ҳайратли олам.

## ШАЙХ БОЯЗИД БОСТОМИЙ СЎЗИ

Мақсадинг томон кетдинг,  
Билгил бу ҳақиқатни:  
«Ўзингдан ўтдинг — етдинг!»  
Қўй, ўзга тариқатни.

Сен нени шиор этдинг  
Бу дунёи дун ичра?  
«Ўзингдан ўтдинг — етдинг!»  
Қўй, ўзга шариатни.

Этагимними тутдинг,  
Ёки тутмадинг, ҳам йўқ.  
«Ўзингдан ўтдинг — етдинг!»  
Қўй, ўзга пубувватни.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Элчилик.

## ЌУРБОН ШАРИФ ЗАФАРИ

Бировлар имон деб, биров номус деб,  
Биров эътиқод деб,— эмас тасодиф —  
Жангга кирган маҳал, четда турмади  
Бухоройи шарифлик Қурбон Шариф.

Шариф сўзи — асли муқаддас демак,  
Ватан муқаддасдир!— Янграр хитоблар.  
Китобсевар Қурбон Шариф жанг этди  
Оёқости бўлмасин деб китоблар.

Китобларга қаратилган ўқ — унинг  
Танасини этган маҳал ярадор,  
Китобсевар Қурбон Шариф жанг этди  
Китобларга тегмасин деб ҳеч озор.

Ғолиб бўлди имон, ғолиб — эътиқод,  
Зафар билан қайтди — эмас тасодиф —  
Китобларга кўксини қалқон этган  
Бухоройи шарифлик Қурбон Шариф.

## УСТОД АЙНИЙГА

Мири Араб<sup>1</sup> ҳужрасига  
Равоқдан кирар азон,  
Бўз ёстиқнинг устидадир  
«Аҳмад Дониш» ва «Имон».

Деворларнинг қавагидан  
Кириб келар қироат,  
Қаламдонда қамиш қалам  
Буйруқ кутар бетоқат.

Панжарадан кираётир  
Ғоришиб увол, савоб,  
Мири Араб ҳужрасидан  
Чиқаётир инқилоб.

---

<sup>1</sup> С. Айний таҳсил олган мадраса.

# ШИРИНКОР

*Неъмат Аминовга бағишлов*

Ўн тўққизинчи аср, асри бешафқат,  
Биров амирга банда, биров — оллоҳга.  
Қалбингда бўлса ҳамки аламинг қат-қат,  
Сен кулмоғинг керак соғга, гумроҳга.

Дўстинг этди хиёнат, илжаймоқ лозим,  
Ватанин сатар биров, йиғлама зинҳор.  
Чалажон виждонини маҳв этиб қози  
Сендан ширин сўз кутар, гапир Ширинкор.<sup>1</sup>

Тулкени тулки дема, бўрини бўри,  
Аччиқ сўзлар ичингда турмоғи керак.  
Ичларни қурум босган бамисли мўри,  
Сендан ширин сўз кутар осмонўпар Арк.

Сен элни кулдирмоққа яктойи даврон,  
Сен-ку асринг кўзгуси, хомушлик нечун?  
Ширинкорга мукофот бермайди замон,  
Қошларинг орасида кўринди тугун.

Сен-ку ўзингни енгиб яшадинг, алҳол  
Дилда мудраб ётарди шиору хитоб,  
Сен замоннинг устидан кулдинг бемалоҳ  
Ҳали Файзулла Хўжа этмай Инқилоб.

Ўн тўққизинчи аср, асри бешафқат,  
Биров оллоҳга, биров амирга банда.  
Инқилоб этмоқ учун топдинг куч-қудрат,  
Инқилобинг, ширинкор, бешафқат ханда.

---

<sup>1</sup> Ш и р и н к о р — инқилобгача Бухорода қизиқчи, ҳажвчилар шу ном билан аталган.

## ЗАРДУЗ ҚИЗГА

Қайчинг ишорага шай,  
Юрагимни гашлама,  
Муҳаббат риштасини  
Бехос қийиб ташлама.

Игна кўзи кўрмиди,  
Ипни ўради зарга,  
Ҳатто ипдай илашдим,  
Сен илмадинг назарга.

Игна кўзидан оққан  
Олтин эмас, зар эмас,  
Мени сарғайтган ҳижрон —  
Ёши у, зевар эмас.

Қайчи, игна шай эрур  
Сенга этмоққа хизмат.  
Висолинг муждаси деб  
Кутамаан зардўзи хат.

## ЭСКИ БУХОРО ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Ойначага ҳар замон  
Қараганинг қараган,  
Мушку анбар сочингни  
Тараганинг тараган.

Ойначага бемалол  
Дил сирини очасан:  
«Севганим сиз!» — дейсану,  
Кўрсанг мени, қочасан.

Ойначанинг ичида  
Ўзинг бўлганинг ваҳот,  
Ойначани ўғирлаб  
Оламан, эй паривод.

Тушиб келдинг осмондан  
Ошпоқ қор каби, —  
Оққа бурканган малак,  
Дилим матлаби.

Оқ пардага ўради  
Бизни лайлак қор,  
Бермасин деб ўзгалар  
Таъқиби озор.

Энди қорлар эриса  
Эрисин, ғам йўқ.  
Сендан бошқа, дилбарим,  
Менга ҳамдам йўқ.

## 17. БУХОРОДА ТАРҚАЛГАН ГАП

Вазир ўйлар шоҳ учун,  
Амир ўйламайди.  
Аскар ўлар шоҳ учун,  
Амир-чи ўлмайди.

Амир-чун ишлар деҳқон  
Тўйиб жонидан.  
Маддоҳи ёзар дoston  
Амирнинг номидан.

Амир-чун қизни севар  
Хуффия кампир.  
Бошқага хавфу хатар,  
Амир бехавотир.

Гувоҳим бошда оллоҳ,  
Ичаман қасам,  
Орамизда, демак, амир  
Ортиқча одам.

Сиймтандир улар, кўзлари чўлпон,  
Ким кўрса айлар жонини қурбон,  
Аларга фидо этмагайман жон,  
Сенда бор вафо уларда йўқ.

Куйласа алар хуш ҳид тўлади,  
Булбул чаҳ-чаҳи бекор бўлади,  
Неча ошиқлар ўлса ўлади,  
Сенда бор наво уларда йўқ.

Асир этгайлар тараҳҳум айлаб,  
Гоҳида ярим табассум айлаб,  
Қолмасин алар такаллум айлаб,  
Сенда бор ҳаё уларда йўқ.

Сени танладим — сенда бор вафо,  
Сени танладим — сенда бор наво,  
Олам дилбарлари гарчи гўзалдир,  
Сени танладим — сенда бор ҳаё.

Ой қуёшига назар этмади,  
Кўзим ёшига назар этмади,  
Кўз ёшим дилбар ортидан қолмай  
Борди қошига, назар этмади.

Малаксан, парвои фалак,  
Малаксан, бевафо, бедарак.

Тушимда кўрсам, қилсам тавалло,  
Деди: «Тушингга кирмасман асло!»  
Эй, қоши қаро, йўлингда тошмен,  
Лекин тошига назар этмади.

Малаксан, парвои фалак,  
Малаксан, бевафо, бедарак.

Ройгон кетди, кетди имолар,  
Вафо қилмасми малаксиймолар?  
Қурбон бўлай, деб бошимни тутдим,  
Қурбон бошига назар этмади.

Малаксан, парвои фалак,  
Малаксан, бевафо, бедарак.

\* \* \*

Ойналарни синдирдилар,  
Фармон берди, чунки шоҳ,  
Башараси қийшиқ эди,  
Демак, ойнада гуноҳ.

Сўнг афтини кўриб сувда  
Лойқалатинг, деди шоҳ,  
Ариқдаги тиниқ сувни.  
Тиниқ сувдадир гуноҳ.

Қиёфасин кўриб шеърда  
Йўқотингиз, деди шоҳ,  
Шоирларнинг қўшиғини.  
Чунки уларда гуноҳ.

Алқисса, сўнг эвин топиб,  
Шоҳни қўйдилар тўрга,  
Ойна йўқ, тиниқ сув йўқ,  
Шоир йўқ, яъни гўрга.

\* \* \*

Ҳотам — битта, егувчилар кўп,  
Менга бўлсин, дегувчилар кўп,  
Ҳақни асра, эгувчилар кўп.  
Худбинликни тарк айла, юрак.

Ҳотам давлати (бунда бор маъно!)  
Сочган билан бўлмагай адо,  
Олгувчилар тўймагай аммо,  
Худбинликни тарк айла, юрак!

Ҳотам — битта, санам Ҳотам бўл,  
Худбинликдан кечиб Одам бўл!  
Йўқ эрса, майли, йўқ бўл, адам бўл,  
Худбинликни тарк айла, юрак!



\* \* \*

Кўпригингдан бир куни  
Тугмача топиб олдим.  
Тугмача кўзликкинам,  
Мен сени севиб қолдим.

Ўтсин, майли ёзу қиш,  
Етарли менда бардош.  
Дарвозангни топар ишқ  
Қалбинг бўлса ҳамки тош.

Эрийди кейин сим-сим,  
Бўлмайди ҳеч дилинг ғаш,  
Севги, ахир, зўр тилсим,  
Сени енгар, париваш.

Кўпригингдан бир куни  
Тугмача топиб олдим.  
Тугмача кўзликкинам,  
Мен сени севиб қолдим.

\* \* \*

Менда бўлса агар той  
Сени ўтқизар эдим.  
Йўлим тўсмас тоғу сой,

Дунёни кезар эдим,  
Лала-лум, э вой!  
Лала-лум, э вой!

Менда бўлса агар той,  
Бўлмас эдим хизматкор.  
Йўлим тўсмас подшоҳ, бой,  
Йўлим тўсмас ёмғир, қор.

Лала-лум, э вой!  
Лала-лум, э вой!

Афсус менда йўқдир той,  
Лала-лум, э вой!

Тароқдай минг тил билан  
Ҷишми баҳор, кузми ёз,  
Ҷора кўзли гулбадан,  
Сочингга сўзласам роз.

Термулиб минг кўз билан  
Юлдузлардай ҳар замон,  
Ҷора кўзли гулбадан,  
Севгимни этсам аён.

Дарахтдай минг қўл билан  
Сенга тутиб боримни,  
Ҷора кўзли гулбадан,  
Ўтказсам баҳоримни.

Минорадай сабр билан  
Минг йил бир жойда атай,  
Ҷора кўзли гулбадан,  
Агар кут, десанг, кутай.

\* \* \*

Кўзмунчоқдай холинг бор,  
Ҷуснингга тегмасин кўз,  
Кўзларинг мунчоқ мисол,  
Яширма кеча-кундуз.  
Сенга кор этмас найранг,  
Кор этмас алдов, тузоқ.  
Барча қолар ҳангу манг,  
Сени асрар кўзмунчоқ.  
Банд этиб хаёлингни,  
Ишонгил сўзларимга,  
Кўзмунчоқдай холингни  
Асрайман кўзларимда.

Сувдан наҳр, дарё тўймаган каби,  
 Тожидан подшо тўймаган каби,  
 Ёмғирдан саҳро тўймаган каби  
 Дийдорингдан тўймадим, дилбар.

Қуёшдан само тўймаган каби,  
 Рубобдан наво тўймаган каби,  
 Оруздан дунё тўймаган каби  
 Дийдорингдан тўймадим, дилбар.

Суви сен эсанг, дарё бўлайин,  
 Тожи сен эсанг, подшо бўлайин,  
 Ёмғир сен эсанг, саҳро бўлайин,  
 Сен билан бирга бўлай, дилбар.

Қуёш сен эсанг, само бўлайин,  
 Рубоб сен эсанг, наво бўлайин,  
 Орзу сен эсанг, дунё бўлайин,  
 Сен билан бирга бўлай, дилбар.

\* \* \*

Қийиқ боғлаб чиқайми пешвоз,  
 Ё чиқайми бошьяланг?  
 Лайлим, нечун бермайсан овоз,  
 Ҳилпирамайди дурранг?

Минг йилдирки, кутаман сени,  
 Тугамайди бу ҳижрон.  
 Минг йилдирки одамзот мени  
 Кўрмоқ истар беармон.

Сен бергандай ўзингга пардоз  
 Атирга тўлар Ватан,  
 Қийиқ боғлаб чиқайми пешвоз,  
 Ё чиқайми бошьяланг?..

Ўзгарар вазир, шоҳлар,  
 Деҳқон буғдой экади.  
 Ўзгариб турар роҳлар,  
 Деҳқон буғдой экади.  
 Ўлмасин деб гумроҳлар  
 Деҳқон буғдой экади.  
 Заминга буғдой эккан,  
 Султонга этмас таъзим.  
 Подшосиз яшаш мумкин  
 Буғдойсиз яшаб бўлмас,  
 Тиллосиз яшаш мумкин  
 Буғдойсиз яшаб бўлмас,  
 Маъносиз яшаш мумкин,  
 Буғдойсиз яшаб бўлмас,  
 Заминга бўйин эгган  
 Султонга этмас таъзим.

\* \* \*

Жаранг-журунг, жаранг-журунг....  
 Осмон қулоғига тўлади овоз.  
 Жарангида қувонч бордир, йўқдир мунг.  
 Жаранг-журунг билан этарди парвоз  
 Бухоролик Ҳусайни зангўласоз.<sup>1</sup>  
 Карвонлар ҳам ўтиб кетдилар бир-бир,  
 Қўнғироққа шайдо бўлиб ўтди кун,  
 Бедор бўлиб қарши олди дала-қир,  
 Жаранг садосидан хурсанд қишу ёз  
 Бухоролик Ҳусайни зангўласоз.  
 Ҳамон тинмас зангўлалар жаранги,  
 Юрагини Ҳусайн этди қўнғироқ,  
 Сукунатни қасдма-қасдга оҳанги  
 Синдиради, жисми бўлгандир тупроқ.  
 Зангўла ясарди гоҳ ўқиб намоз  
 Бухоролик Ҳусайни зангўласоз.

<sup>1</sup> Зангўласоз — қўнғироқ ясовчи.

# БУХОРОЛИК ТЕМИРЧИ АМИНБОБО СЎЗИ

## 1

Ғанимларга муносиб жавоб этдик,  
Хон саройин мангуга хароб этдик.  
Бу йўлга биз қадам қўймасдан аввал  
Қалбимизда буюк инқилоб этдик.

## 2

Ғар сўзингни тия олсанг тамадан,  
Ғар кўзингни тия олсанг тамадан,  
Сени енга олмас ҳеч куч дунёда  
Ғар ўзингни тия олсанг тамадан.

\* \* \*

Қувонч бўлиб деразангни қоқаман,  
Занжирланган дарвозанг очилади.  
Кўзгу бўлиб хаёлингга боқаман,  
Нафтларимга сирларинг сочилади.

Севги бўлиб кўзларингни ёқаман,  
Муаммолар, тугунлар ечилади.  
Оҳанг бўлиб, мавжим билан оқаман,  
Очилмаган юрагинг очилади.

## ШЕРГИРОН ҚИШЛОҒИ

Қиздирмоқда саратон,  
Терлайди қишлоқ.  
Қизиган мисли хумдон  
Йўлдаги тупроқ.

Қишлоқдан ёзиб қулоч,  
Келар сой сари,  
Рембрандтнинг яланғоч  
Фаришталари.

\* \* \*

Унинг қилган гуноҳлари кўп:  
Алпомишни, йиллаб муштлади,  
Навойга кўтарилди қўл.  
Мен қўлимни кесиб ташладим.

Қўлсиз эди, десалар не ғам,  
Кўкартирар қўлларни кўнглим,  
Алпомишсиз, десалар, алам!  
Навойсиз, десалар, ўлим!

\* \* \*

Кўҳна тол, кўҳна ҳовуз,  
Эсмоқда янги шамол.  
Кўҳна кўк, кўҳна юлдуз —  
Сурмоқда янги хаёл.

Майсалар этар парвоз  
Бир нафаслик куй билан.  
Турибман лол, беовоз  
Мен минг йиллик ўй билан.

\* \* \*

Куз кетади турналар қанотида,  
Шоир каби ёниб қолгай чорбоғлар.  
Куз кетади турналар баётида,  
Деворларга осиладир ўроқлар.

Куз кетади деҳқоннинг тушларида,  
Яланғоч ер офтоб тафтин қўмсайди.  
Куз кетади... Дарахт хонишларида  
Курашларнинг завқи борга ўхшайди.

\* \* \*

Кимлардир сиғинди қуёшга,  
Оташга сиғинди кимлардир.  
Кимлардир шахсларга ё тошга  
Сиғиниб келдилар бирма-бир.

Не умидлар гоҳ бўлди барбод,  
Не орзулар гоҳи ушалди.  
Қарангки, дунёни эътиқод  
Ушлаб турганга ўхшайди.

\* \* \*

Чарсиллатар қамчисин  
Чақмоқ — осмон жарчиси,  
Узилар толим-толим  
Чумоли арғамчиси.

Мудрар дала бош яланг,  
Ёмғирдан хаёли нам,  
Қўллари билан кўм-кўк  
Бошини ёнар карам.

## ОНАМ ВАСИЯТИ

Сағанамнинг тепасида  
Қушлар учун ясанг сувдон,  
Ҳар келганда сениб туринг  
Сағанамнинг устига дон.

Чунки қушлар сиздан кўра  
Кўпроқ менадан хабар олгай,  
Сиздан кўра кўпроқ келиб  
Сухбатлашиб бунда қолгай.

\* \* \*

Ракеталар учун андоза  
Олмишлар Минори Калондан,  
Осмон эса очиқ дарвоза —  
Минор парвоз истар азондан.

Минор билмас, минг йилдан бери —  
Учмоқда вақтларга қасдма-қасд,  
Парвоз этар она-Ер шари  
Минордан ажралмай бир нафас.

\* \* \*

Бир қарасам сепкилинг  
Юлдузга ўхшар.  
Бир қарасам олтинга  
Ўхшайди, дилбар.

Олтин бўлса Зарафшон  
Сувиданмикин?  
Юлдуз бўлса кундузи —  
Уни кўрмиш ким?

\* \* \*

Ҳар бир ғунча аввал менинг юрагимда гуллайди,  
Ҳар бир япроқ аввал бўлар юрагимда заъфарон.  
Тонгда қуёш аввал менинг юрагимда сўйлайди,  
Мен шоирман, онажон.

Ҳар бир ғунча аввал менинг юрагимда гуллайди,  
Кейин гулга бурканади баҳор келиб кенг жаҳон.  
Тонгда олам аввал менинг юрагимда куйлайди,  
Мен шоирман, онажон.



\* \* \*

Дунёдаги барча милтиқлар  
Юрагимни олмоқда нишон.  
Дунёдаги барча милтиқлар  
Юрагимга бўлмоқда қалқон.

Дунёдаги барча милтиқлар  
Иқболимга отмасин деб ўқ,  
Ёзаянман мен ҳам қўшиқлар,  
Дафтаримдир шу замин, шу кўк.

\* \* \*

Яланғоч новдаларга  
Чумчуқлар қўниб олди.  
Гўё улар япроққа  
Бирдан айланиб қолди.

Қиқир-қиқир барглардек  
Маст бўлишди кулгудан.  
Улар кекса дарахтни  
Уйғотмоқчи уйқудан.

## ЛАБИ ҲОВУЗИ ДЕВОНБЕГИДА

Ҳовуз бетидаги ажинлар  
Эртақ каби туюлди бу кеч.  
Ҳовуз бетидаги ажинлар  
Асрларки, кетмайдилар ҳеч.

Ҳовуз бетидаги ажинлар  
Юзларимга солдилар ажин,  
Ҳовуз бетидаги ажинлар  
Аждодларим дардларимикин?!

\* \* \*

Еш билан ювмоқчи бўласай  
Юзингдаги гуноҳни, э воҳ!  
Еш билан ювмоқчи бўласан  
Ювилгайми ва лекин риё?

Еш билан ювмоқчи бўласан,  
Истайсанки, юзинг бўлсин пок.  
Еш билан ювмоқчи бўласан,  
Кўз ёшларинг етмагай бироқ...

\* \* \*

Ҳидлар бесас газал айтади  
Рапглари ёйиб,  
Мажнунтол ҳам куртак отади:  
«Ҳани Лайлим?» деб.

Майсаларда кўкараб баҳор  
Тақдирдан мамнун.  
Ҳидлар келар чирмашиб, хушҳол,  
Лайлию Мажнун.

\* \* \*

Оёғим йўқ деб чекасиз ғам,  
Таёқсиз юришни дил қўмсар.  
Қўлтиқтаёқ тиркаб қўйди жанг  
Ва бўлдингиз оёқсиз аскар.

Оёғим йўқ деб чекасиз ғам,  
Бетаёқ юришни дил қўмсар,  
Сизни чўлоқ этдилар, ака,  
Хаёллари чўлоқ кишилар...

Майсалар оқади қирлар тўшида,  
Хур-хур шамол уларни шилдиратар.  
Майсалар оқади қирлар тўшида  
Чанқоқ пода бош кўтармай симирар.

Майсалар оқади қирлар тўшида  
Тўлқинланиб-тўлқинланиб беармон.  
Майсалар оқади қирлар тўшида,  
Тўлқинида куйлаб бормоқда чўпон.

## ТЕЛПАКДЎЗ УСМОНГА

— Осмондаги булутлар қоракўл терисидай  
Миноранинг бошига телпак тикса бўларми?  
Осмондаги булутлар қоракўл терисидай  
Сайёранинг бошига телпак тикса бўларми?

— Осмондаги булутлар қоракўл терисидай  
Бошогриқ бўлмасин деб, аёзларда бу фалак,  
Осмоннинг булутларин ерга қўндириб агай  
Мен оламнинг бошига кийдиргум тикиб телпак.

## БАҲОР

Гумбур-гумбур бошлар юриш,  
Булутлар карвон.  
Аста-секин эрийди қиш,  
Тизилар маржон.

Деҳқон каби қўшиғини  
Куйлаб беармон,  
Қўзиқорин уруғини  
Сепмоқда осмон.

\* \* \*

Куртаклар дарахтнинг ўйлари,  
Дарахтнинг ўйлари гуллайди.  
Куртаклар дарахтнинг куйлари,  
Куйлари иқболдан сўйлайди.

Куртаклар дарахтнинг кулгиси,  
Кулгилар жаранглаб берар сас.  
Куртаклар дарахтнинг орзуси,  
Орзулар ушалар басма-бас.

\* \* \*

Бухоронинг пасткўчалари  
Рудакийни етказди аришга.  
Синони ҳам етказа олди  
Шу пастак кўчалар минг ёшга.

Пастак томнинг устидан Дониш —  
Боши етди осмонга. Хуллас,  
Томда не айб, кўчада не айб  
Эй, паст одам, ўзинг бўлсанг паст?!

\* \* \*

Баланд курси устига  
«Кўтар, ҳа, кўтар» этиб,  
Кўйиб, митти одамни  
Сўнг кетдилар унутиб.

Митти одам ўзича  
Туша олмас ҳеч қачон.  
Оёғидан тортмоққа  
Тобеларда йўқ дармон.

Дўстим, сира бўлмагин ҳайрон  
 Милтиқдан мен қўрқмаган дамлар.  
 Қўрқитади мени, сен ишон,  
 Ҳайратлари ўлган одамлар.

Юрагимда олов — ҳаяжон,  
 Ўлдиролмас мени аламлар.  
 Ўлдиради мени, сен ишон,  
 Ҳаяжони ўлган одамлар.

\* \* \*

Куз шамоли сим-сим эсиб,  
 Дарахтни ечинтирар.  
 Кейин висол завқин сезиб  
 Бўса олиб тентирар.

Ким бўларди бунга гувоҳ,  
 Юлдуз булутга банди.  
 Пахса девор мудрар, э воҳ,  
 Оғзини ёпган тандир.

\* \* \*

Келишиб яшаш оғир,  
 Қимгадир эса осон:  
 Ёлғон билан юзма-юз,  
 Ҳаром билан ёнма-ён.

Қийналмасдим сира ҳам,  
 Этмасдим сендан ҳазар,  
 Виждонимни ухлатиб  
 Яшай олсайдим агар.

\* \* \*

Қизиқ, лойдан ясалган ҳуштак,  
«Пуф» дейилса чиқарар товуш.  
Ҳуштак шакли қанотли қушдек,  
Аммо сира бўлолмайди қуш.

Қанотинг бор, этолмай парвоз,  
Қай бир товуш ҳукмига қарам,  
«Пуф» дейилса чиқариб овоз,  
Ҳуштак каби яшадинг сен ҳам.

\* \* \*

Дарахт, сенинг қўлларинг кўндир  
Шохларингга келар ҳавасим,  
Панжаларинг очиқ, беозор,  
Ҳотам каби очиқ ҳар фасл.

Дарахт, бир-ку бизларнинг замин,  
Осмонимиз бир-ку, не сабаб,  
Бунча сахий сенинг қўлларинг,  
Уяламан қўлимга қараб...

\* \* \*

Ҳовузга шарпасиз кирди йўл,  
Соялар пайпаслаб излайди.  
Дарахтлар югурар чўзиб қўл,  
Майсалар-чи, юм-юм бўзлайди.

Дарахтни етаклаб бўлмаса,  
Ҳовузнинг лабида чўкди тиз.  
Қайга борар дарахту майса,  
Қайга бора олади йўлсиз?

(Ҳазил)

Чўнтакларинг ҳисобсиъ,  
 Ҳар бирида бир ҳамён.  
 Тикувчи, чекма озор,  
 Чўнтаклар менга зиён.

Аъло бўлса кайфият,  
 Меникидир еру кўк.  
 Чўнтак ҳамён на ҳожат,  
 Менда пулнинг ўзи йўқ.

\* \* \*

Ҳарфлар миллат хотирасидир,  
 Дарахтларми замин ҳарфлари?  
 Осмон хотираси йўқми, ё  
 Юлдузларми осмон ҳарфлари?

Қуйлайдиган ҳарф қушлармикин?  
 Қушлар тили — кўкнинг хабари.  
 Ҳарфлар замон хотирасидир,  
 Шоирларми замон ҳарфлари?..

\* \* \*

Аскарлардан келарди мактуб:  
 «Қутиб-кутиб кўзларим толди,  
 Толмадингми сен мени кутиб?  
 Ғалабага оз кунлар қолди».

Хатлардаги орзу ва умид  
 Юракларга зўр ишонч солди.  
 Афсус, кўплар бўлдилар шаҳид,  
 Мактубларда орзулар қолди.

## ХАТ

Юракни қийнаган бу соғинч,  
Юракка сирмаган ҳаяжон,  
Бир парча қоғозга илашиб,  
Кетмоқда юрт томон.

Мактубда не ҳикмат бор экан,  
Не хислат мактубда намоён?  
Бир парча қоғозга илашиб,  
Юрагим кетмоқда юрт томон.

\* \* \*

Кузнинг ҳиди уфурар  
Япроқларнинг рангидан.  
Итлар безовта ҳурар  
Олтинлар жарангидан.

Гумбаздаги иини  
Лайлак ҳам этгандир тарк.  
Қалдирғочлар иини  
Шамол ялайди бефарқ.

## БИБИМГА

Қаддингни чўкибди, дейдилар,  
Яқинлашмоқдасан заминга.  
Узмайсан заминдан ҳеч назар  
Шукур, деб қарилик дамингга.

Сочларинг қор каби бир тутам,  
Ўзинг-чи покиза, беозор.  
Эрийсан замоннинг тафғидан,  
Заминга сингийсан мисли қор.



Сочингга илашган менинг нигоҳим.  
Тараб ташламагил тарағинг билан.  
Сочингга илашган менинг нигоҳим,  
Нигоҳимни этма асло беватан.

Сочингга илашган менинг нигоҳим —  
Қаратар ортингга сени оқибат.  
Сочингга илашган менинг нигоҳим,  
Нигоҳим қатида, ахир муҳаббат.

### ЁЗ

Минора турибди ҳансираб,  
Қайдан келмоқда эпкин?  
Минора турибди ҳансираб  
Елпиган лайлакмикин?  
Қисқарар минора сояси,  
Эрийди соя кам-кам.  
Қисқарар соя ҳикояси,  
Ҳансираб бутун олам.

### БУХЕНВАЛЬД. 1986 ЙИЛ

Мени тутунга айлантирдилар...  
Тутунлар булутга туташди,  
Булутлар ёмғирга туташди,  
Ёмғирлар майсага туташди,  
Майсалар заминга туташди.  
Майса бўлиб қайта туғилдим,  
Милтиқлар ололмас нишонга.  
Майса бўлиб қайта туғилдим,  
Сололмас ғанимлар зиндонга.

## ЎҒЛИМГА ХАТ

Ватанимни соғинган каби  
Сени жуда соғиндим, Хуршид!  
Сен-ку тирик Ватансан менга.  
Тирик орзу ва тирик умид.

Бухорода Бухоро каби  
Яшамоқ ҳам бахтдир, ложарам!  
Бухорони тирик сақламоқ  
Ҳаммамизга боғлиқдир, болам.

Ғарбда кезар юқумли касал:  
Ўтмишларин дарҳол бўярлар,  
Ўзларини буюк этмоқ-чун  
Тарихингни бузиб қўярлар.

Касалликлар юқмасин сенга,  
Эҳтиёт бўл, ўғлим, ҳар нафас.  
Эҳром билан сўзлашни ўрган,  
Чунки тошлар забонсиз эмас.

Бир ёдгорлик биздан ҳам қолсин,  
Ўйла, биздан қолади нелар?  
Дунё бизни қурмоққа эмас,  
Бухорони кўрмоққа келар.

Ватанимнинг тирик бўлаги —  
Ўғлим, сени соғиндим! Ҳар он —  
Бухородан яшашни ўрган,  
Токи сенга талпинсин жаҳон.

Во ажабки, мен билан бирга  
Майса келмиш, атиргул келмиш.  
Гилам каби тўшалиб қирга,  
Зерикма, деб чекибди ташвиш.

Во ажабки, ҳайратангиз ҳол:  
Этаётир бугун тамошо —  
Менинг кўзим билан бемалол,  
Мағрибни-да кекса Бухоро.

Во ажабки, бирга мен билан  
Қуёш ҳамроҳ, Минора ҳамроҳ.  
Қиёфамда Хувайдо Ватан,  
Қиёфамда ўзбек ҳувайдо.

Во ажабки, олтмиш кун ўтди,  
Сени қўмсаб ўтди, она-юрт!  
Майса кутди, атиргул кутди,  
Сени қўмсаб кутди, она-юрт!

Соғинчимни ҳур Ўзбекистон  
Во ажабки, этган экан ҳис,  
Кел атиргул, келгин майсажон,  
Бухорога энди қайтамиз.

## ЗАВҚИЙ СЎЗИ

Яшаса-да баъзан камбағал, ночор,  
Чекса ҳамки замондан гоҳи озор,  
Ҳақиқатнинг тимсоли шоирлардир,  
Шоирлардан фақат қўрқар ҳукмдор.

Шоирлар ҳеч дунёни бузмаганлар,  
Милтиқ ясаб, навкарлар тизмаганлар,  
Шаҳарларни ёндириб кезмаганлар,  
Шоирлардан фақат қўрқар ҳукмдор.

Ҳақиқатга шоир дили қалқондир,  
«Ҳақиқат йўқ!» деган сўзинг ёлғондир,  
Шоирларнинг байроқлари исёндин,  
Шоирлардан фақат қўрқар ҳукмдор.

Ҳақиқатга рағбат йўқдир подшода,  
Битга шоир то бор экан дунёда,  
Ҳақиқат ҳеч бўлмагайдир афтода,  
Шоирлардан фақат қўрқар ҳукмдор.

Шоирларнинг ҳукми абадий қолар,  
Ҳукмдорлар ҳукми эса йўқолар,  
Шоирга халқ ишониб қулоқ солар,  
Шоирлардан фақат қўрқар ҳукмдор.

# САЁХАТ

Излаб борар маъшуқни ошиқ,  
Ишқсиз дил ғариб,  
Излаб борар Мағрибни Машриқ,  
Машриқни Мағриб.

## 1

Минг етти юз олтинч бир сана,  
Карстен Нибур<sup>1</sup> — миллати немис,  
Шарққа этмоқ бўлиб саёхат  
Йўлга чиқди, унинг мақсади  
Овруполик кўзи тушмаган,  
Хали хатга тушмаган замин  
Харитасин чизмоқ беминнат.

## 2

Карстен Нибур араб тилини  
Бемашаққат ўрганди, аммо —  
Минг машаққат айлади пешкаш  
Тилсиз дашту забонсиз сахро.

## 3

Карстен Нибур мақсади фақат  
Машриқни кашф айламак эди,  
У тилсим тўла китоблар  
Жамлаб Мағриб томон йўллади.  
Карстен Нибур қуруқлик ва сув  
Йўлларини чизди қийнаб жон,  
Карстен Нибур харитаси-ла  
Мисрни забт этди Напалеон.  
Мен қўрқаман, осмонга чиқиб,  
Ер тубидан ё излаб конлар,  
Харитани ким чизса агар  
Чунки тирик Напалеонлар.  
Карстен Нибур жонини гаров  
Қўйиб фанни бой этмоқ бўлди,  
Жаҳонгирлар эса дунёни  
Ўз муштирага жо этмоқ бўлди.

---

<sup>1</sup> К. Нибу р (1733—1815) — немис шарқшунос олими ва сайёҳи.

Ғайр күзи тушмасин дебми,  
Бойлигини табиат асраб  
Ер остига, тоғнинг мағзига  
Яшираркан доимо, ажаб!

Етти йилдан кейин тугади  
Хатарли бу сафар бехатар.  
Карстен Нибур Мағрибга элтди  
Далил, тарих, харита, хабар.

Карстен Нибур Машриқ заминда  
Табиатнинг эҳсонин кўрди.  
Карстен Нибур харитаси-ла,  
Кейин Мағриб Машриқни сўрди.

\* \* \*

Рангин «Машриқ жавоҳирлари»<sup>1</sup>  
Оврупода очиқ кезади.  
«Девони»ни жавоҳир билан  
Пири доно Гёте безади.<sup>2</sup>

Ким чўнтакка солмоқни кўзлар,  
Бировни-чи, ҳасад эзади.  
«Девони»ни жавоҳир билан  
Пири доно Гёте безади.

Бухоро-ю, Самарқанд — қуллуқ!  
Бийикларни бийик сезади.  
«Девони»ни жавоҳир билан  
Пири доно Гёте безади.

---

<sup>1</sup> Таниқли немис шарқшунос олими, таржимон Хаммер фон Пургшталнинг «Машриқ жавоҳирлари» китобига ишора.

<sup>2</sup> И. В. Гётенинг «Мағрибу машриқ девони».

## БАҲРИДДИН ЖАВОБЛАРИ

(Болаларга)

— Нима учун уст-бошинг ҳўл?  
Ишингда йўқдир маъни.  
— Эчки қорни оғримасин,  
Ювиб бердим майсани.

Кўкатларни ювиб енг, деб  
Айтгандингиз эрталаб,  
Шунинг учун майсаларни  
Унга бердим тозалаб.

Товуғимиз томоқ оғриқ  
Бўлса агар ёмон-ку!  
Пиёлага қуйиб бердим,  
Тўйиб ичсин, қайноқ сув.

Чумолилар ҳайрон кезар  
Ташналаб, ҳоли хароб,  
Чумолилар уясини  
Сув билан этдим сероб.

Томчадаги қизғалдоқлар  
Қайдан сув ичар, ахир,  
Ҳар кун ёмғир ёгмайди-ку,  
Сув ичирдим бир нақир.

Сув тўлдирдим челагимга  
Супада дамин олсин.  
Ташна қолса ойми, юлдуз  
Бемалол ичиб қолсин.

Бир неча кун челагимни  
Бўш қўйгандим, шу сабаб  
Анча бўлди, келмай қолди  
Ой ҳам мендан аразлаб.

Қолган экан боши оғриб  
Олапарим офтобда,

Сувга қўшиб дори бердим,  
Тузалди у шу тобда.

Шунча ишни якка ўзим  
Уддаладим бемалол,  
Усту бошим ҳўл бўлса гар  
Қуритар жўрам шамол.

## БАҲРИДДИННИНГ ТУШИ

Баҳриддин қарасаки  
Тек судралиб кетяпти,  
Ҳавозасини ташлаб  
У ўзи не этяпти?

Ток девордан ўтдию  
Кўчага чиқди илдам,  
Ариқ томон йўл олди  
Лўкиллаб худди одам.

Ариқчадан сув ичиб  
У уйига қайтмади,  
Яширди узумини,  
Сабабини айтмади...

Баҳриддин уйқусидан  
Уйғониб бўлди гаранг,  
Дарҳол токка сув қуйди,  
Ток рангига кирди ранг.

Сўнг ўйлади: «Бўлмасам  
Агар токдан хабардор,  
Чанқаб қолса қочаркан  
Кечаси ошиб девор».



Замонга сиғмаган овозни  
Бўғолгайми арқон?  
Макондан ҳам баланд парвозни  
Кесолгайми султон?

Чашмалар мақсади эзгудир,  
Чашма мангу равон.  
Чироқда жонфидо туйғудир,  
Ўчмагай ҳеч қачон...

Қоғозга томадир, томадир  
Сиёҳ эмас, қон-қон.  
Мангуга ёнадир, ёнадир  
Мисра-мисра исён...

\* \* \*

Мўъжиза беҳисоб дунёда:  
Мўъжиза — муҳаббат, садоқат.  
Биз уни ахтардик пиёда,  
Биз уни ахтардик бетоқат.

Биз шуҳрат ортидан кетмадик,  
Юрмадик қинғирлик йўлидан,  
Тўғри сўз гапирдик беҳадик,  
Боқмадик бировнинг қўлига.

Кимгадир юрмадик суяниб,  
Бировни этмадик биз қалқон.  
Эзгулик йўлида жон олиб,  
Эзгулик йўлида бердик жон.

Бўлмадик бировлар одами,  
Тобелик устидан кулдик биз.  
Зулматдир ундайлар олами,  
Ёруғлик одами бўлдик биз.

## АФАНДИЛАР

Бухорода бисёрдир  
Туғ кўтарган қаҳрамон.  
Лекин Хўжа Насриддин  
Баридан улуғ ҳамон.

Дор остидан, зиндондан  
Тадбир-ла тошган нажот,  
Афанди авлодидан  
Тарқалгандир Дон Кихот.

Дунё дарвозасини  
Боғлай олган Искандар  
Бир Насриддин оғзини  
Боғлолмай бўлди мустар.

Ҳар замоннинг бўлганмиш  
Ўз Афандиси бешак.  
Ҳозир ҳам Афанди бор  
Минмайди лекин эшак.

Ҳар бир сўзга ишонган  
Кишини кўрсалар гар,  
Кулиб туриб, шу заҳот  
Афанди, деб атарлар.

Бировга бўлса қалқон,  
Жонини қўйиб гаров,  
Қайғурса ўзга учун,  
Афанди, дерлар дарров.

Кимда бўлсаю имон,  
Яшаса камтар, танти,  
Дерлар: «Ҳаётни билмас,  
Афанди бу, афанди!»

Мен азалдан қаҳрамон  
Халқимга этгум ҳавас.  
Алпомишу Муқанна

Билан олганман нафас.  
Лекин менинг қалбимда  
Бугун ўзга аҳд эрур.  
Бобом Афанди каби  
Яшаб ўтмоқ бахт эрур.

Бор экан элнинг мисли  
Виждони Афандилар,  
Ҳақиқат бўлмайди хор,  
Ҳақ, деб тепади диллар.

\* \* \*

Кенг саҳрода икки тошбақа  
Жой талашиб урушар, ёҳу!..  
Уфққача чўзилган саҳро,  
Депсинмасдан кезади шамол.  
Кўз илгамас кенгликда гўё  
Яйраяжак ҳаттоки хаёл.

Юлдузларнинг кўзида кулгу,  
Ҳилол эса олтинранг тақа.  
Жой талашиб урушар, ёҳу,  
Кенг саҳрода икки тошбақа.

# БУХОРОЛИҚ ТАРОҶЧИ АШУР БОБОГА

Томирлари тиришмоқда  
Қуриб кетмоқда дармон.  
Нок новдаси тароҷчи чол  
Мисоли ларзон-ларзон.

Ўтиб кетди шира-шарбат  
Билан тўла ҳаёти.  
Тилларидан таралмоқда  
Унинг сўнгги баёти:

«Гар берсангиз умрингизни  
Тароҷқа ҳам ярайди.  
Маҳшаргача қўлларингиз  
Мушкин сочни тарайди».

\* \* \*

Юрагимни очиб қўйдим,  
Очдим шундай яланғоч.  
Сени танҳо, сени суйдим.  
Сим-сим тилсимингни оч!

Мен боримни тутдим сенга,  
Қалбим — борим, давлатим,  
Широқдан қўрққандай нега  
Мендан қўрқмаскан ганим?!

Шухрат эмас чорлаган сас,  
Ўғлингдирман, бағрим бут,  
Илдизларим сенга пайваст,  
Ўзбекистон, она юрт.

Мен илдизга айланурман  
Ўлди бу, деб кўмган чоғ.  
Сен гуллайвер, она-Ватан,  
Сен гуллайвер, она боғ.

# МИРЗО АЗИМИ СОМИЙ БҮСТОНИЙ СҮЗИ

## 1

Сенда бўлса ақлу ҳуш  
Бу сирни оч:  
Нечун қамиш ичи бўш,  
Бошида тож?!

## 2

Оғир экан ёзмоқ тарихни, оғир,  
Манғитларнинг сергак айғоқчиси шум,  
Битилмади қанча воқеаю сир:  
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум!»<sup>1</sup>

Гувоҳлар-чи, қоришдилар тупроққа  
Ёзилмасдан ижро этилди ҳукм.  
Тарих энди кимни тутар сўроққа:  
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум!»

Кимга керак ҳақиқати йўқ тарих?  
Қайлардадир оғизларга солиб мум,  
Битолмайди ҳамон ҳақни муаррих:  
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум!»

Қайраб юрар кимдир тишини ҳар чоқ  
Тўғри сўзни ёзмоқ бўлгани учун.  
Қайлардадир ҳамон берурлар сабоқ:  
«Ва Ф-из-зиёдати қатъул ҳулқум!»

---

<sup>1</sup> Бундан ортиқ сўзласам бўғизлайдилар.

\* \* \*

Бизга ҳайрон боқар маҳалла,  
Катталарга биз боқдик ҳайрон.  
Қолишларга жо бўлди Қалъа,<sup>1</sup>  
Ғишт қуйдилар, этдилар яксон.

Биз йўқ эдик, янграрди ялла,  
Ўша замин ва ўша осмон.  
Сурғиёна имло ҳам қалъа,  
Бу қалъани этдилар вайрон.

Қалбимизда ўкинчлар тўла,  
Қалбимизда бор эрур армон.  
Қалбимизда эътиқод — Қалъа,  
Қалъамизни сақлайлик омон.

\* \* \*

Ер қаъридан чиққан гиёҳ — хат —  
Изҳор этилмаган муҳаббат.  
Илдизимдан қулоққа бир кун  
Нидо бўлиб келса, не ажаб,  
Изҳор этилмаган муҳаббат.

Мовий осмон сокин турган пайт —  
Изҳор этилмаган муҳаббат.  
Юлдузимдан қулоққа бир кун  
Наво бўлиб келса, не ажаб,  
Изҳор этилмаган муҳаббат.

---

<sup>1</sup> XVI аср обидаси.

\* \* \*

Қошинг ўсмасини оқизди қаёнга Шоҳруд?  
Кўзгу эди қошинггаю осмонга Шоҳруд.

Мен қошингнинг ўсмасига кўзни тиккандим,  
Нигоҳимни ошкор этди жаҳонга Шоҳруд.

Қошинг Шоҳруд мавжимиди, боққанам сайин  
Ўсма янглиғ товланади азонда Шоҳруд.

Лаби Ҳовуз ёнидан, бир имо-ла бугун,  
Элтаётир мени кўм-кўк ёбонга Шоҳруд.

\* \* \*

Хомуш ётар тепалар<sup>1</sup>—  
Номи этилмаган қайд.  
Ёнидан биз беҳабар  
Ўтиб кетамиз лоқайд.

Уларда йўқдир забон,  
Битилмаган унда байт.  
Биз — тили борлар ҳамон  
Ўтиб кетамиз лоқайд.

Юлдуз кашф этиларкан,  
Марсга етарлар бир пайт.  
Кўмилган тарих сендан  
Ўтиб кетамиз лоқайд.

---

<sup>1</sup> Бухородаги қадимий тепалар — суғдлар қароргоҳи.

Амир Абдулахад<sup>1</sup> — ҳукмдор,  
Имо — ижро, ишора — ижро.  
Санамларинг гўзал, бешумор,  
Салтанат ҳам гўё жобажо.

Бармоқларинг ҳукмига илҳақ,  
Нигоҳларинг ҳукмига тэйёр.  
Турар гўё кутгандай суяк  
Қанча содиқ итларинг қатор...

Камми шодлик, камми тантана?  
Салтанату шон-шуҳрат камми?  
Тоҷу тахтнинг ғамига яна  
Қўшилибди қофия ғами.

Бир байт десанг, лаганбардорлар  
Ёзардилар номингдан дoston.  
Бир байт десанг, «Девон», «Ашъор» ҳам  
Битардилар номингдан осон.

Орзу айб эмасдир зотан  
На подшога ва на гадога.  
Шоирликни истадингу сан  
Аммо ботдинг молихулёга.<sup>2</sup>

Шон-шуҳратга кимлар ҳирс қўйди,  
Холис байтни ўйламай, ё раб!  
Кимлар қилди зевар тамасин,  
Кимлар қилди тамаи мансаб.

Сен боқий умр тамасин айлаб,  
Қўлларингга олганда қалам,

<sup>1</sup> 1885—1910 йиллардаги Бухоро амири, Ожиз тахаллуси билан шеърлар ёзган.

<sup>2</sup> Руҳий касаллик, савдойилик, меланхолия.



Ожиз деган тахаллус танлаб,  
Ожизлигинг этганда рақам.

Амир, келдим бир хулосага  
Ва айтмоққа айладим журъат.  
Битиб қўйдим Моҳи-Хоссага<sup>1</sup>  
Ўзгаларга бўлар деб ибрат:

«Ҳим шеър ёзса, жабр қилиб жонга,  
Маҳшаргача муқаддас Калом —  
Бетамани буркайди шонга,  
Тамагирни этади бадном».

\* \* \*

«Ҳокилингни қимирлат, Ҳайдар!  
Болангни сув элтмоқда, Ҳайдар!  
Сени уйқу элтмоқда, Ҳайдар!»  
Бобо тонгдан буғдой шопирар.

«Бобо, мен ҳам Ҳайдар бўлайин,  
Ҳокил нуқра ё зар бўлайин.  
Чорласангиз юборай эпкин,  
Бобо, мен ҳам Ҳайдар бўлайин!..»

Шамол шошиб елмоқда ғир-ғир  
Ҳирмонга дон оқмоқда шир-шир.  
Шамол бўлиб югурар гўдак,  
Ҳирмонга дон оқмоқда шир-шир.

---

<sup>1</sup> Амирликнинг ёзги қасри.

## СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ ЁНИДАГИ ДАРАХТГА

Ёйдай эгилибди қоматинг, дарахт,  
Шохларинг ўқ каби отилмоққа шай.  
Шамолу изғирин этса ҳам карахт  
Оёқларинг ердан ҳеч узилмагай.

Волидангга этаётгандай сажда  
Эгилибди бошинг заминга қадар.  
Япроқларинг тарихдан сўзлар мужда,  
Япроқларинг тарих тилига ўхшар.

«Исмоил Сомоний қурган мақбара  
Забт этилса, забт этилар Бухоро!»  
Деб Чингиз от сурмиш, бундай манзара  
Кирмаганди дарахт тушларинг аро.

Обидани этар эдинг ҳимоя  
Чингиз лашкаридай шафқатсиз қумдан.  
Ўша кеч бош эдинг, эгилди қоя,  
Обида кўмилди қумга бир зумда.

Чингиз мақбарани топа олмади,  
Этолмади ўшал эҳромни яксон.  
Демак, Бухорони забт этолмади,  
Дарахтим, шаҳримга сен эдинг қалқон.

Шохларинг ўқ каби отилмоққа шай,  
Ҳамиша юрт омон бўлсин, шу матлаб:  
Орзуим — сен каби беармон яшай  
Евузлардан она-юртни қўриқлаб.

\* \* \*

Кимга етар юрагим оҳи  
Онам мени тушунмай қолса?  
Айтгинг, ахир, кимнинг гуноҳи,  
Санам мени тушунмай қолса?

Қуюнларга қалбим очаман,  
Сўзларимни ёйсин қирларга.  
Сўнг ўзимдан ўзим қочаман,  
Кўмилажак олам сирларга.

Хаёлимни қуюн титади,  
Бўлажаксан сўнг увдан огоҳ,  
Қуюн уни тошга битади  
Ўз тилида куйлаб бепарво.

\* \* \*

Гар одам йўқолса, кетса бедарак,  
Тандирдан чақирар эмиш кексалар.  
Токи оташ кирсин қалбига андак,  
Токи Ватанига қайтсин бехатар.

Ё ўчоқ ичига бошини тиқиб  
Йўқолган одамнинг ёдга олармиш.  
Шу овоз этармиш хаёлин таъқиб,  
Она юрт ёдини қалбга солармиш.

Унутиб «қора хат» солган аламни,  
Ихлос билан туриб, ҳар субҳи саҳар  
Урушга юртни, деб кетган акамни  
Ўчоқдан, тандирдан онам чақирар.



Лим-лим тўлиб турган бу ҳовуз  
Ҳовуз эмас, Рустам косаси.  
Инграётган ушбу чанқовуз  
Чанқовузмас, Муқанна саси.

Жангу жадал тугайди бир кун,  
Фисқу фужур топар интиҳо.  
Рустам келар тақдирдан мамнун  
Дарвозани очар Бухоро.

Адаштириб чўлда ёвларни  
Широқ келар узоқ сафардан.  
Ҳилпиратар ол яловларни  
Ва сўзлагай тенгсиз зафардан.

Ҳар кеч улар бўлади ҳозир,  
Тонгда эртақ қўйнига кетар.  
Мен — Рустаман, Широқман ахир,  
Муқаннаман, юртдан бохабар.



Кел, гўзалим, гуллади баҳор,  
Ўзбекистон ям-яшил чаман.  
Шамол айлар заминни бедор,  
Кел, гўзалим, гуллади Ватан.

Қуёш боқар кўкдан навқирон,  
Уйғонмоқда ранглару ҳидлар.  
Келсанг, қордай эрийди армон  
Ва қалбимда гуллар умидлар.

Гуллар замин, гуллайди осмон,  
Гуллар хаёл ҳамда туйғулар.  
Ўрик гули — бошингда маржон,  
Кел, қалбимда гуллар орзулар.

Қум уйларни яна қурайлик —  
Тақдирнинг устидан қулайлик.

Келгин.  
Болаликка қайтайлик яна,  
«Оқ терак»ни айтайлик яна.

Келгин.  
«Биздан сизга, дегин, ким керак?»  
Хатосини тузатсин юрак.

\* \* \*

Қишлоқда бор эди тегирмон,  
Одамлар келарди тизилиб.  
Беором сасидан оларди ором  
Етмиш яшар бобом уни юргизиб.

Буғдойни оқ унга айлантирарди,  
Энг савоб иш шудир, деярди бобом.  
Ўшанда ўтарди қувончу дарди,  
Йилларни майдалаб борар тегирмон.

Тегирмон тўхтади у келмаган кун,  
Ўша кун ун сепди қишлоққа осмон...  
Кейин айланмади тегирмон бутун,  
Мен каби бобомни кутар у ҳамон...

## ҒАЛҒОНЛАР

Ұқу милтиқ бисёр замонда  
Оздир ғалғон бўладиган зот.  
Ғолмасин, деб башар армонда  
Ғалғонларга муҳтождир ҳаёт.

Ғалғон керак қўшиққа ҳатто,  
Ғаёга ҳам ғалғон керакдир.  
Чунки ўқлар тегар бехато  
Танламас ким қўрқоқ, ким ботир.

Ғалғонларнинг йўқлиги сабаб  
Сугдиёна тилдан айрилдик,  
Имлодан ҳам айрилдик, ё раб!  
Ўлиб кетди қанча шеър, қўшиқ!

Ғалғонларнинг йўқлиги сабаб  
Ғалок бўлди гоҳида виждон.  
Навоийга ғалғон бўлмасак,  
Олардилар ғалбини нишон.

Ғалғонларнинг йўқлиги сабаб  
Ғайзулланинг қўли бойланди,  
Ғайзуллага ғалғон бўлмасак  
Айтаверинг, йўли бойланди...

Юлдузларнинг ғалғони осмон,  
Шоирлар ҳам ғидойи жондир.  
Ватан, сенга ғалбимиз ғалғон,  
Ғалбимизга ВАТАН ғалғондир.

«Ширин бўлсин ҳаётин!»  
(Умидли банда)  
Ширин деб ном қўйдилар  
Мен туғилганда.

Аччиқ эди бу ҳаёт,  
Бешафқат тақдир,  
Зиндонни раво кўрди  
Мен учун амир.

Бармоқларимда ҳунар  
Мудраб ётарди,  
Беҳунарлар санъатни  
Пулга сотарди.

Ҳунарингни кўрсат деб  
Бўлганда фармон,  
Юрагим тасвирини  
Чиздим беармон.

Зулмат ичра Бухоро,  
Қайдадир умид?  
Умидимнинг тасвири  
Хонаи Сафед.<sup>1</sup>

Юртимда Ёруғ уйни  
Айладим бино,  
Ёруғликка чиқсин деб  
Қоронғу дунё.  
Бу уй зулматни қувди,  
Айлади савоб,  
Кошинларнинг гулидан  
Унди Инқилоб.

---

<sup>1</sup> Оқ хона (ёруғ хона)— Уста Ширин Ситораи Моҳи Хоссада бино этган уй.





# УЛУҒ БАТАН УРУШИ ВЕТЕРАНИ САЪДУЛЛО АҚАГА

## 1

Ленинград Бухорога  
Мени излаб келади?  
Ленинград Бухорога  
Мени излаб келади.

Деразамни чертиб-чертиб  
Мени чорлаётир ким?  
Ленинград заминдан  
Ўнг қўлим келганмикин?

## 2

Қамални ёриб ўтди,  
Ўтди менинг ўнг қўлим!  
Орқага чекиниш йўқ,  
Ортга чекинмоқ ўлим!

«Олга!» деб садо берди,  
Ўнг қўлим берди садо,  
Олга учди ўнг қўлим  
Танимдан бўлиб жудо.

Учиб бормоқда, ёху!  
Учаётир чўғ бўлиб...  
Қолди менинг ўнг қўлим  
Ғалабага туғ бўлиб.

\* \* \*

Гарчи тили бошқа-бошқадир,  
Дарахтлар тил топишиб яшар,  
Сен-чи бани башар?!

Хоҳ баланд, хоҳ пастда—бари бир  
Дарахтлар жой талашмай яшар,  
Сен-чи, бани башар?!

Яратмасдан улар милтиқ, тиг,  
Урушмасдан тинчликда яшар,  
Сен-чи, бани башар?!

\* \* \*

Бутун замин қороз каби оқ,  
Унда шеърин ёзади шамол.  
Булутларнинг бағрида титроқ,  
Шамол сўзи уларга малол.

Очилади осмоннинг юзи,  
Қор бағрига киради қуёш.  
Тугаётир шамолнинг сўзи:  
Совуқ. Совуқ. Тугайди бардош.

Юлдузлар ҳам музлади кўкда,  
Музлаб қолди шамол ғазалхон.  
Мўриларнинг рақиби йўқ-да,  
Нафас олаётир беармон.

## ОЛТМИШ КУН ХОРИЖДА

(Туркумдан)

Бунда ҳам ҳаво бор,  
Қуёш бор, сафо бор,  
Замин ҳам наво бор,  
Лекин Бухоро йўқ  
Қандай бўлади яшаб?!

## ФРАУ ҚАРИН ГРОНЕРТ СЎЗИ

Ленингами, Муҳаммадга, Исога —  
Сизин майли, Тополсанг ундан маъни —  
Сизин майли, сизин майли Мусога,  
Бомбаларга сизинмасанг бўлгани.

\* \* \*

Далаларнинг ҳидлари бир хил,  
Далаларнинг афти ўхшашдир.  
Гуллар аҳил, майсалар аҳил,  
Чегарани бузмай яшайди.

\* \* \*

Дўстим, рости сукут сақламоқ увол  
Ҳақиқат, деб одамлар этганда жанг.  
Ҳеч бўлмаса, ҳалолни дегил ҳалол,  
Ҳаромни ҳаром, деб айта олмасанг.

\* \* \*

Шохчалар инграйди шамол дастидан,  
Япроқлар новдага додлаб чирмашар.  
Безовта илдизлар замин остида  
Овозсиз курашар.

## ЛАҲЗА

Қуёш зар кокилини —  
Оҳиста тараётир,  
Майса тили тутулиб  
Қуёшга қараётир.

\* \* \*

Булутлар сўзлайди, сўзлари равон,  
Булутнинг сўзлари — гавҳару маржон.  
Булутлар сўзлайди ер қулоғига:  
«Эрта ташриф буюрар осмон!»

## МУБИНГА

Сен дарахтга ишонгин, дўстим!  
Дарахт асли замин учун бахт.  
Сирларингни айтгин бемалол,  
Сотган эмас ҳеч кимни дарахт.

## БУХОРОНИНГ ҲЙЛАРИ

Яшяпти асрларни  
Кўтариб ўз кифтида,  
Қалдирғочнинг уяси ҳам  
Шу уйларнинг шифтида.

\* \* \*

Бу эмас, башорат ва лекин  
Юрагимда ҳамиша ҳадик:  
Манманлик Мағрибни ўлдирар,  
Ўлдиради эътиқодсизлик.

## ҲАЗРАТИ ИМОМ ҚАБРИСТОНИДАГИ БИТИҚ

Бунда ҳамма бир тилда сўзлар,  
Йўқдир қувонч, йўқдир ғазаби,  
Бир томонга қадалган кўзлар,  
Ҳамманинг бир бунда мансаби.

\* \* \*

Деразангнинг кўзида ёш,  
Булут йиғладими ё?  
Деразангнинг кўзида ёш,  
Соғиниб тортдингми оҳ?

Очиқ турар йўлга қараб  
Деразангнинг кўзлари...

\* \* \*

Дарё ҳаромни ювиб,  
Ҳалол эга билади,  
Йўқ, дарё бўлолмадик.  
Қуёш шўр тупроққа ҳам  
Нур сочади беминнат,  
Йўқ, қуёш бўлолмадик.

\* \* \*

Бола борар бобосини етаклаб,  
Чол кўзида қўроғининг туслари...  
Бобо борар неварасин эркалаб,  
Хурсандликдан кулмоқдадир юзлари.  
Гўдак қувнаб кўрсатмоқда унга йўл,  
Хавф-хатарсиз йўлаклардан ўтмоқда.  
Неваранинг кўзи билан кўрар ул  
Гиёҳларнинг рангин кўҳна тупроқда.  
Неваранинг кўзи билан бугдойзор  
Тўлқинини қониб-қониб кўради.  
Неваранинг кўзи билан беозор  
Қапалакни хаёлида қувади.  
Неваранинг кўзи билан ҳар оқшом  
Осмондаги юлдузларни санагай.  
Неваранинг кўзи билан беармон  
Чор атрофга қарагай у, қарагай.

Моҳтобсиз сўлим кеча,  
Чорлагай дилим кеча.  
Мен танҳо кезмоқдаман,  
Ой чиқар — сезмоқдаман.

Тўлади нурга атроф,  
Майсалар кияр зарбоф.  
Гарчандки, узоқдаман  
Ой чиқар — сезмоқдаман.

Бошимда нурли хаёл,  
Дилимда шавқи висол,  
Мисралар тизмоқдаман,  
Ой чиқар — сезмоқдаман.

Қуюн учирмоқчи Сомон йўли «сомон»ларини,  
Қуюн кўчирмоқчи Сомон йўли осмонларини,  
Қўкрак кериб унинг йўлларида бўламан қалқон,  
Меники ер, меники осмон.

Қаратмоқчи Катта Айиқ илинж билан Зухрога,  
Қирмизи қон ҳиди анқир оташнафас самодан,  
Қанот қоқиб самовотга пайдо бўлгум ноаён,  
Меники ер, меники осмон.

Бир майсанинг тили қуриб қатра сувга бўлса зор,  
Юлдузлар тун бўйи кўзёш тўкиб, суғорар гулзор,  
Муҳаббатнинг атрофида айланади бу жаҳон,  
Меники ер, меники осмон.

## ҲИЖРОН

Сен кетдинг қўл силкитиб, сен кетдинг қай томонга?  
Бугун эса, дилбарим, атроф йўқ, томон ҳам йўқ.

Ишонмагин, дегандим, рақиб айтган ёлгонга,  
Бугун эса, дилбарим, рост йўқдир, ёлгон ҳам йўқ.

Қарамадинг бир нафас йўлингдаги хазонга,  
Бугун эса, дилбарим, баҳор йўқ, хазон ҳам йўқ.

Ишонгандим мен сени на замин, на осмонга,  
Бугун эса, дилбарим, замин йўқ, осмон ҳам йўқ.

\* \* \*

Акам Махсум эдилар жарроҳ:  
Аmmo синган суяклар эмас,  
Аmmo мажруҳ юраклар эмас,  
Фақат, фақат ярадор китоб  
Қўлларида топарди шифо.  
Дер эдилар: «Бўлмасин нотоб  
Хайём, Ҳофиз ё Ибн Сино!»

Ака Махсум эдилар жарроҳ:  
Ҳақиқатга шукрона айта  
Саҳифалар тикланди қайта.  
Ака Махсум этурлар хитоб  
Гоҳи-гоҳи ҳар субҳи сабо:  
«Энди сира бўлмагай нотоб —  
Хайём, Ҳофиз ё Ибн Сино!»

\* \* \*

Кимлар сени севаман, деб алдамоқ бўлди,  
Дилбарим, сен эҳтиёт бўл, ёлгончи бисёр.  
Тамагирдан баъзан сенинг атрофинг тўлди,  
Дилбарим, сен эҳтиёт бўл, тамагир маккор.  
Кимлар сенинг бўйнингдаги дурларга шайдо,  
Ўғирламоқ бўлиб пойлар ҳар шому саҳар.  
Мен севаман сени, қандай яшай бепарво  
Эҳтиёт бўл, Ўзбекистон, сеvimли дилбар.



# ЗУЛАЙҲОГА

*И. В. Гёте: «Мағрибу машриқ» девонидан*

Атиргуллар сенга манзур,  
Хуш ҳид берган замондан.  
Сен учун бахш айлаб ҳузур,  
Кечгай жону жаҳондан.

Сен учун қасд айлаб жонга,  
Тутқунликдан вовайло!  
Ангуштингдай атирдонга  
Дунё атир каби жо.

Этмоқ учун сени шодмон,  
Бахтга дилингни восил,  
Куйлаб-куйлаб бўлар қурбон  
Булбули ошуфтадил.

Ғамга ботма фарёдлардан,  
Минглаб жонлар доди ҳам,  
Қулатолмай ўтди ердан  
Темур тахтини, эркам.

## БЕШ ХИСЛАТ

Беш хислатдан беш хислат пайдо эрур:  
Беадабга пастгийнат ошно эрур.

Ким такаббур, эсда тут, дўст бўлмагай,  
Ким ёвуздир марди холис бўлмагай.

Ким ҳасадхўр ҳеч уёти йўқ унинг,  
Ким дўруугуй эътиқоди йўқ унинг.

Сен агар кетсанг буларни тарк этиб,  
Ўйлаким билдинг балолардан ўтиб.

## ЎЗГА БЕШ ХИСЛАТ

Ким вақт ўтганидан чекмас озор?  
Ижодкор.  
Вақт ўтмади деб ким ҳар дам зорлар?  
Бекорлар.  
Ҳолинг этади танг қай хислату пеша?  
Андеша.  
Не голиб қилади сени ҳар маҳал?  
Таваккал.  
Ҳурматга этар сени не лойиқ?  
Ҳалоллик.

Эл ҳайратда маҳбубамнинг  
Кўзларидан узмас кўз.  
Эл билмайди, менга аён  
Кўзида не сир, не сўз:

У дер: «Сени севажакман,  
Ўзгалар ишқи — озор.  
Ўзгаларнинг ҳасрати-ю,  
Қайғуси — бари бекор».

Сўнг маҳбубам атрофига  
Ошкора ташлаб назар,  
**Ш**ирин висол соатида  
Менга беради хабар.

## МОЗИЙ ТАШРИФИ

Ғарқ бўлиб шабнамга боғ, гулзор  
Гуллари очилган хотиржам.  
Уларни дарахтлар беозор  
Ўрамини қоядай мустаҳкам.

Гулзорга ҳамсуҳбат, ҳам улфат  
Ўрмонзор жўмарди жавондир.  
Водийга тегмасин деб офат,  
Ўрмонзор бамисли қалқондир.

Бунда бор қадимий нағма, сас,  
Ва ошиқ, «оҳ»лари, зорлари,  
Қуёшнинг нурлари билан баҳс  
Айлагай чилторим торлари.

Ғар шикор қўшиғи пуршукуҳ  
Янграса, бутазор тўлғайдир.  
Юракни қамраган тоза руҳ  
Илҳомбахш, мадаккор бўлғайдир.

Ўрмонзор абадий баркамол,  
Бахш этгай қувончу фароғат.  
Сен роҳат этдингми, бемалол  
Этсин-да ўзгалар ҳам роҳат.

Қилмагай шунда ҳеч ким бадном,  
Бизларни деб худбин, худнараст.  
Келса ғар одамлар қай замон,  
Табиат ҳуснидан бўлсин маст.

Шул қўшиқ, ажиб ҳол билан биз  
Ҳофизга бўлдик боз рўбарў.  
Риндона ўтган ҳар дам азиз,  
Шубҳага ботмангиз деди у.

# ЗУЛАЙҲО

## 1

Қулми, овод ё ситамгар  
Англадилар ҳикматни:  
Бахтдир инсон тутолса гар  
Дахлсиз шахсиятни.  
Умр деган ўтар, не ғам,  
Ўтма ўзинг бенаво.  
Нени қўлдан бой берсанг ҳам  
Ўзни бой берма аммо.

## ҲОТАМ

Минг офарин! Менда фақат  
Ўзга фикр, ўзга савдо:  
Заминдаги бор саодат  
Сенда жамдур Зулайҳо!  
Васлинг менга насиб этса,  
Ўзга бахт даркор эмас.  
Юз ўгириб мендан кетсанг,  
Бўлажакман хору хас.  
Мен — Ҳотамтой — сўзим адо  
Қилмай туриб, хайрият,  
Билиб қолдим — қандай сиймо  
Бўлсам, дилинг этгум забт.  
Эмасдирман холиқ — раббий,  
Сени куйлагум, жонон,  
Фирдавсий ё Муттанабий  
Ёхуд бўлиб бир султон.

## ҲОТАМ:

## II

Тасодиф ўғрини яратмас, ажаб,  
Тасодиф ашаддий ўғридир ахир.  
Ишқим гавҳарини юракда асраб  
Юрардим, олди у чок этиб бағрим.

<sup>1</sup> Гёте ўзини Ҳотам, севгилиси Марianne фон Вилле-мерни Зулайҳо деб атаган.

Сўнг сента тутдию айлади пешкаш,  
Тасодиф барини тўкди йўлингга.  
Гадою бенаво бўлдим, париваш,  
Ҳаётим, давлатим қолди қўлингга.  
Хайрият, гавҳари чашмингда аён  
Мендай бир ошиққа меҳру мурувват.  
Бағрингда кўринди ғаройиб жаҳон —  
Мени шод этгувчи бахтиёр қисмат.

### ЗУЛАЙҲО:

Ишқинг гавҳарини ўғирлаб, ажаб,  
Келтирди тасодиф, бўлдим бахтиёр.  
Юрибман ишқингни дилимда асраб,  
Энди тасодифни койимоқ бекор.  
Шартмиди тасодиф ўғрилаши, гар  
Ўз хоҳишинг билан қилмасанг инъом.  
Ўғирлаб олардим, айлагин бовар,  
Бари бир бебаҳо гавҳарни осон.  
Ишқинг гавҳари-чуш қиламан тортиқ —  
Ёшлигим, ҳаётим, қарорим олгин.  
Сенинг гавҳарингдан бўлар кўп ортиқ,  
Хушбахтга не даркор, боримни олгин.  
Бенаво гадоман демагин зинҳор,  
Ишқи бор юраклар навосиз бўлмас.  
Бағримда сен бугун топдингми қарор,  
Давлату бахт шудир, бошқаси абас.

## ВАФО ТИМСОЛЛАРИ

Олти ошиқ-маъшуқ бор  
Унутма буни зинҳор:  
Номларин эшитган дам  
Рудоба ҳам, Рустам<sup>1</sup> ҳам  
Жонларига ишқ туташ  
Бўлган бамисли оташ.  
Юсуфни кўрмай, илло  
Севиб қолган Зулайҳо.  
Муродга етмай, лекин  
Ўтган Фарҳоду Ширин.  
Яралган бир-бири чун  
Лайли-ю, ошиқ Мажнун.  
Кексайганда ҳам ёна  
Севган Жамил, Ботина.  
Висолдан маст, беармон  
Бўлган Балқис, Сулаймон.  
Қисса шу ёд қиласан  
Сўнгра ишқни биласан.

---

<sup>1</sup> Бу ерда Гёте андак адашиб Золи Зар исми ўрнида Рустам исмини қўллаган. Маълумки, Рудоба Рустам онасидир.

## ЖАННАТ ДАРВОЗАСИ РЎПАРАСИДА<sup>1</sup>

Кирмоқ бўлиб жаннатга алҳол,  
Гўдак келди заиф, хастаҳол.  
Қўли чўлтоқ, ранги хазондир,  
Хаворий Петр дарвозабондир.

«Мен — бегуноҳ, муқаддас падар!  
Жувонмаргман — билсангиз агар.  
Хиросима — мен туғилган жой,  
Жаннат ичра ўрним ҳойнаҳой!»

«Тўхта, кирма! — ул авлиё дер, —  
Дўзах экан сен туғилган ер.  
Ким туғилмиш дўзахда, инон,  
Жаннатга у кирмас ҳеч қачон!»

---

<sup>1</sup> Кёльнлик архиепископ Фринге аборт хусусида: «Ўлдириш мумкин эмас. Ҳар бир туғилажак зот бир кунмас-бир кун осмон фўдароси бўлмоғи муқаррардур», атом уруши ҳақида: «Католик черков ядровий синовларга қарши чиқмайди».  
(*К. Микельнинг қисқача шарҳи.*)



## ЯККАЛИК

Шовқиндан зада юрак  
Ўрмонга бордим бугун,  
Ўргимчак уясида —  
Елғизлик экан тутқун.

## ВАҚТ

Ломаконга кетганларни мен  
Қутаяпман ҳамон интизор.  
Яшайпман мисли исрофгар  
Парча нонга бўлганидай зор.

## СЎРОҚ

Не қолар тарк этса муҳаббат?  
Севгисиз нимага ярайман?  
Шивирлаб айтилган ҳар калом  
Изҳори ишқми, деб қарайман.

## БОШПАНА

Ҳеч нарсага бўлмайди тутқун  
Чегараси номаълум фазо,  
Бўлса эди эрким руҳ учун  
Худди шундай бошпана ато.

## ЙУҚОТИЛГАН ЙИЛ

Йил ўтди. Гўёки улкан Вақт кичик —  
Тангалар мисоли сочилди сабил:  
Сентябрь — ўргимчак сочи остида,  
Қировли. Қўзда ёш. Қўлдан кетди йил.

## МАКТУБ

Сичқонлар хонангга энди ҳукмрон,  
Ёноғингни улар кемиргай мамнун.  
Менинг қаҳрим ортар, қаҳрим кўп ёмон,  
Чунки сенсиз ўтди умримдан уч кун.

Тамакингни, нетай, чекашман. Лекин  
Чекмаслигинг лозим, дегандинг ёрим.  
Ахир қандай чидаб ўтказмоқ мумкин,  
Ёзинг жазирама иссиқ — озорин.

Кунгабоқарлар нур таратар ҳар дам,  
Нур таратган ранглар тунда намоён.  
Менга озор берар кенг каравот ҳам,  
Сен йироқда. Ой — муаллақ, заъфарон.

• • •

Мағоқи Аттори (X—XII аср) таъмирига  
120 минг сўм сарфланди. Таъмирдан кейин  
майхонага... ҳозир музқаймоқ сотиш дў-  
конига айлантирилди. Ўғлим, сен у ерга  
музқаймоқ ейишга борма, гуноҳ бўлади.

*Темирчи уста Аминбобо сўзларидан*

Кимни фарздир этмоқ зиёрат,  
Зиёратгоҳ қай остоналар?  
Зиёратгоҳ бўлгайми ҳеч вақт  
Майхона ё емакхоналар?!

Сен музқаймоқ егани келма,  
Рухга қаймоқ изла Мағоқдан.  
Токи холи бўлсин РУҲимиз  
Келажақда таъна, мавоқдан.

## АЙНИЙГА МУШТ КЎТАРГАН БОЛА

«...Мени «обхона»га олиб боришди. Зиндонбон эшикни очди, мени унга олиб киришганда, қўлида тўрт-беш яшар боласи билан йўлда Қушбегининг одами турар эди, у менга бир мушт урди. Лекин ҳамма муштан ҳам мана шу тўрт яшар боланинг мушти менга қаттиқ таъсир қилди. Чунки, бу — ҳукуматнинг катта арбобларигина эмас, ҳатто уларнинг болалари ҳам бизни мавҳ этишга бел боғлаганини кўрсатар эди...»

*Садриддин Айний*

Бизни гафлат босдим, ҳайҳот,  
Бефойдадир энди дод, нола.  
Аста фирқа бўлди улғайиб,  
Айнийга мушт кўтарган бола.

Масжидларни, мадрасаларни  
Эскиликка этиб ҳавола,  
Йиқитмоққа айлади буйруқ  
Айнийга мушт кўтарган бола.

Қўлёмалар қайга йўқолди?  
Қайга кетди китоб, рисола?!  
Уларга ўт қўйганди ахир  
Айнийга мушт кўтарган бола.

Тухмат, иғво уюштирган у.  
Юрагим қон — кич-қизил дола.  
Файзуллани этганди бадном,  
Айнийга мушт кўтарган бола.

Эътиқодга дарз кетди гўё,  
Кўзимдаги ёш мисли жола!  
Аҳмад Дониш қабрин йўқотди  
Айнийга мушт кўтарган бола.

Лекин қайда эдик мену сен?  
Тамошабин эдик. Баралла —  
Ёлғон, десак, барига айбдор  
Айнийга мушт кўтарган бола.

Гуноҳимни англадим, дўстим,  
Хушёр бўлиш керак ҳар палла,  
Токи қайта кўтармасин қўл  
Айнийга мушт кўтарган бола.

## ШОИР РАФИҶАСИ СУЗИ

Гўшт ўрнида хитоб  
Олиб келади,  
Хитобни еб бўлмаса,  
Кийиб бўлмаса.

Пул ўрнида китоб  
Олиб келади,  
Китоб кўтармоқдан у  
Майиб бўлмаса.

«Энг бадавлатман! — дея  
Такрорлайди у. —  
Давлатим — сабру умид,  
Давлатим — орзу!»

Қабрлар усти тикан,  
Қабрдамиди шонлар?  
Қайга йўқолди экан  
Нишондор бенишонлар?

Қабрлар чўкиб қолган,  
Пинҳон унда не сирлар?  
Қаерларга йўқолган  
Жаҳонсиз жаҳонгирлар?

Қабрлар кўзи очиқ,  
Ва лекин бўзлай олмас.  
Менинг кўзларим очиқ  
Ва лекин сўзлай олмас.

\* \* \*

*У. Аҳмедовга*

Уруш олиб кетди отамни,  
Уруш олиб кетди онамни.  
Уруш шундай очкўз қабрки,  
Ютмоқ истар менинг танамни.

Гоҳо дейсиз: «Урушлар тамом,  
Тарихдан у энди жой олган».  
Сиз билмайсиз, уруш — катта қабр,  
Болалигим кўмилиб қолган.

## ХАЗИНА

Бир кишининг ерда кўмилган хазинаси бор экан. Бундан хабар топганлар хазина жойини аниқламоқчи бўлибдилар. Лекин уни қанча қийнаб, калтаклашса ҳам хазина жойини айтмабди. Шунда бухоролик бир донишманд хазинаси ерда кўмилган одамни кузатмоқ даркорлигини, яъни у қай томонга қараб ўтирса, қай томонга қараб юрса, қай томонга кўз узмасдан қараса, ўша жойни ковлашни буюрибди. Дарҳақиқат, хазина топилибди...

*Бухоролик уста темирчи Аминбобо суҳбатларидан.*

Қай томонга қараб юрайин,  
Қай томонга кўз тикай, бобо?!  
Ер ости, ер устида, тайин —  
Хазиналар — атрофимда жо.

Минорадан мумкинми ўзи  
Нигоҳларни узмоқ бирор он?  
Узилади умрим риштаси  
Минордан мен юз бурган замон.

Дунё олмоқ учун зўру зар  
Ҳожат эмас қиличу ханжар,  
Билдим, бугун жаҳонзор эрур  
Амир Темур ҳамда Искандар.

Ҳайрат билан бўларкан фақат  
Забт айламоқ улкан дунёни.  
Миноралар, гумбазлар — ҳайрат,  
Ҳайрат десак арзир Синони.

Қай томонга кетсаю олтин,  
Пахтаю газ кетсаю бир пайт  
Қайтиб келса, масалан, лекин  
Сен уларни танирмидинг, айт!

Ибн Сино, Аҳмади Дониш  
Ё Наршахий кетиб рўзу шаб,  
Минг йил ўтсин, ўтсин баҳор, қиш,  
Минг хил тилда ўгрилиб, ажаб —

Минг хил либос кийиб қайтса гар,  
Қучоқ очиб танир Бухоро!  
Хазиналар эмас симу зар,  
Хазинадир Айни-ю, Сино!

Ўз юртига элтади мамнун,  
— Ҳисобласак ҳар соатига  
Минглаб сайёҳ, Минорни — ҳар кун  
Солиб фотоаппаратига.

Заррача кам бўлмайди Минор,  
Тугамаса конлар бўлмайди.  
Хазиналар бебақо, бекор  
Фақат Ақлу, Санъат ўлмайди.

\* \* \*

*Уруш қатнашчиси Саъдулло акага*

Баҳорда қўл чиқарди  
Қўллари қирқилган тут.  
Илдизда қолди дарди,  
Жароҳат бўлди унут.

Чекмасдан зарра озор  
Тигни этарди қабул.  
Одамда ҳам ҳар баҳор  
Кўкарганда янги қўл...

# ЕВРОПАДА ШАҲИД БЎЛГАН АСҚАР СЎЗИ

Кенгликларни эпкин каби кезаман,  
Товушимда дала-даштнинг ранглари.  
Қайрилмаган қанотимни ёзаман,  
Анқимоқда баҳорнинг оҳанглари.

Қапалаклар қўнган ўрик шохига,  
Қанот қоқар, лекин учиб кетолмас.  
Ўрик гули бўлгим келар гоҳида,  
Ватанини улар ҳеч тарк этолмас.

Майсаларнинг елкасида титрар вақт,  
Масофалар бўлиб қолар бир тутам.  
Ўзбекистон қучоғида гуллар Бахт,  
Гул ҳидидай анқиб чиқсайдим мен ҳам...

\* \* \*

Ўзбекистон ёйиб қулочин,  
Яна гулга киргани аниқ.  
Ёмон кўздан асрамоқ учун  
Тутатмоқда онам исриқ.

Тилсим бордир деғу парида  
Неки хушрўй берарлар озор.  
Ўзбекистон елкаларига  
Онам битиб қўйганди тумор.

Ўзбекистон топмоқда камол  
Лол қолдириб жумла жаҳонни.  
Фарзандини асраган мисол  
Онам асрар Ўзбекистонни.



# УСТОД АЙНИЙ ЎГИТЛАРИ

## 1

Мен ўзимдан кечганим нафас  
Келажақдир устодим саси:  
«Хиёнатнинг кичиги бўлмас,  
Хиёнатнинг бўлмас каттаси».

## 2

Осмонни этмай ҳавас  
Катакка уради тўш.  
Парвозларни кўзламас  
Ортиқча дош еган қуш.

## 3

Биров излар дунёдан шуҳрату шон,  
Бировлар мансабга човут солдилар.  
Биров дарахт экиб қолдирмоқчи ном,  
Ном ўйиб дарахтга биров қолдирар.

## 4

Ҳақгўй одам яшар доим бетаъма,  
Ҳақиқатнинг йўлини тўсиб бўлмайди.  
Ҳақгўй тиллар кесилса, ажабланма,  
Ҳақиқатни лекми кесиб бўлмайди.

## 5

Ялтироқ қурт осмонга боқиб,  
Юлдузларга деди тутоқиб:  
«Қаранг, сизнинг туркумга қўшди  
Оловдан кўз узолмас чўпон,

Ўзи учун куйламади ҳеч,  
 Ўзи учун йиғламади ҳам.  
 Ўзи учун сўйламади ҳеч  
 Ҳақиқатнинг қалқони қалам.

Поёнига умр етса-да,  
 Орзуларга бўлдим ғарқ.  
 Мен дунёни тарк этсам-да,  
 Дунё мени этмас тарк.

\* \* \*

Шиддат билан югурар осмон,  
 Ортда қолгай офтоб паришон.  
 Кетаётган булутлар қайтар,  
 Қут-барака қўшиғин айтар.  
 Шамолингши чақирма, Ҳайдар,  
 Кетаётган булутлар қайтар...

\* \* \*

Ўйнаб ариқ лабида  
 Кемалар оқизардик.  
 Кемаларга ортилган —  
 Орзу, Умид, Болалик.

Кеманинг юки оғир,  
 Шовиллаб оқар ариқ.  
 Тўлқинларга тўш урар  
 Орзу, Умид, Болалик.

Вужудни айлади тарк  
 Қирғоқда қолди Ҳадик.  
 Оқмоқда Вужудимиз —  
 Орзу, Умид, Болалик.

\* \* \*

Ариқ бўйи — туянинг ўрқачлари,  
Қуёш пастга тушаётир туядан.  
Қушлар учиб келмоқда чайла сари,  
Чайлачанинг ёнида порлар гулхан.

Тун қўйнига киради анжир тани,  
Узоқлардан ҳаққуш бермоқда садо.  
Қўлларида узун таёқ, подани  
Ҳайдаб келар ўтлоқдан Одам Ато...

\* \* \*

Бориб қолдик ўрмонга,  
Отим кишнайди.  
Бошин чўзиб осмонга  
Ўрмон яшайди...

Висол жойин от билар,  
Боқамиз ойга.  
Лекин келмади дилбар,  
Қутиш бефойда.

Безовта бўлди юрак,  
Хомуш отим ҳам.  
Бир қушча чалиб ҳуштак  
Қолди оргимдан...

## ЙЎҚОЛГАН КИТОБЛАРГА МАРСИЯ

Дейдилар, йўқолган ҳар битта юлдуз  
Бўлармиш неча минг йилдан сўнг пайдо.  
Дейдилар, бутун бир олам улкан кўз,  
Юлдузни топмасдан қўймайди дунё.

Сизни асраб билмай йўқотган эдим,  
Юлдуздай қайтадан келмайсиз асло.  
Кўзларга айланса ҳамки вужудим,  
Кўзларга айланса ҳамки бу дунё.

Сизнинг умрингизга бўлдим-ку зомин...  
Қайтадан китобни ёзсайди Сино,  
Қогозга айланар эди бу замин,  
Қаламга айланар эди бу дунё.

\* \* \*

Яширмасди ҳеч армонини.  
Тилим узун бўлсин, дер эди.  
Шунинг учун қўй забонини  
Бир қўшнимиз доим ер эди.

Йиллар ўтди шамолдай елиб,  
Ҳамон мулзам у кўча-кўйда.  
Ҳарифига билмас бас келиб,  
Айб ундами ё ювош қўйда?..

## БОЛАЛАРГА

---

\* \* \*

Кескир ўроқ қўлида шайдир,  
Отам тинмас ёзу қиш, баҳор.  
Сартарошга отам ўхшайди,  
Дала уни кутар интизор.

Соқолини қиртишлаб ҳар кун  
Далага йўл олади отам.  
Даланинг-чи соқоли узун,  
Қиртишламоқ керак уни ҳам.

### МАНЗАРА

Паровозни кутаётган  
Қатор вагондай,  
Сув бўйида турган толлар  
Сайёҳатга шай.

Шамол эсиб, толлар аста  
Этади парвоз.  
Эсаётган шамол эса  
Гўё паровоз.

\* \* \*

Экишни бошладилар  
Келганида навбаҳор.  
Униб чиқди даладан  
Қартошкаю помидор.  
Товуқ тухумин олди  
Омонвой ботиб терга,  
Тухумдан товуқ унар,  
Деб уни экди ерга.

Рассом бўламан, дейди,  
Чизгани-чизган сурат.  
Қўлида рангли қалам,  
Тиним билмас Башорат.

У чизган мушук расми  
Ҳалво ёки шакар ер.  
Думи қани? — десак гар,  
Сандиққа яширган, дер.

Башорат чизган дарахт  
Сув ичмас, ичар қандчой.  
Новвот емаса йиғлар  
У чизган юлдузу ой.

Башорат чизган сурат  
Жуда ўхшар ўзига.  
Мушук, дарахт, ой, юлдуз  
Қирар унинг сўзига.

\* \* \*

Шилдир-шилдир оқянти ариқча,  
Елкасида маҳтобию юлдузи.  
Шилдир-шилдир оқянти ариқча,  
Қўшиқ каби жарангламоқда сўзи.

Шилдир-шилдир оқянти ариқча,  
Қиқир-қиқир кулгусида бахти бор.  
Ҳисларим ҳам оқянти бу кеча,  
Ҳисларимга қориниб кетар баҳор.

Шилдир-шилдир оқянти ариқча,  
Елкасида умидию орзуси.  
Ариқ бўлиб оққим келди бу кеча,  
Қўзларимда ариқчанинг кулгуси...

Гул экдилар, очилди гул,  
 Тарқаб кетди куйлари.  
 Ўтди сакраб тикан симдан  
 Малоҳатли бўйлари.

Ёмон кўздан асрайлик деб,  
 Тўрт томондан ўранди.  
 Синмасин деб шамолларда  
 Ҳар кун юз бор қарашди.

Шамолларни имлагай у  
 Юлдузларга силкиб бош.  
 Тушларида кўринади  
 Уни чорлаган қуёш.

Гул экдилар, очилди гул,  
 Боғладилар қўлларин.  
 Ўтди сакраб тикан симдан  
 Малоҳатли бўйлари.

\* \* \*

Титраган пичанлар пичирлар,  
 Сомонхона мудрайди.  
 Имиллаб ўтмоқда кечалар,  
 Ойни шамол судрайди.

Титраган пичанлар пичирлар,  
 Тилларида гапи бор.  
 Кўзини юмганча сизирлар  
 Қавшайди беэътибор.

Титраган пичанлар пичирлаб  
 Баҳорини қўмсайди.  
 Тилидан сиргалар кўп сирлар:  
 «...Қайта униб бўлсайди...»

Кипригингда титрайди хаёл,  
Тамом бандсан унинг домида.  
Кўзларингда шуълаи висол,  
Нозлапасан унинг комида.

Кипригингда титрайди хаёл,  
Хуркитмайман ўйингни бу дам.  
Хаёлингда кўринган иқбол,  
Хаёлингда эҳтимол мен ҳам...

## БУХОРО ЭРТАГИ

Бор эди, йўқ эди, қалъа бор эди,  
Бор эди, йўқ эди, салла бор эди.  
Бор эди, йўқ эди, бор эди зиқдон,  
Обхонада қолиб кетмас-ку, армон.  
Бор эди, йўқ эди, алла бор эди:  
«Тонг отар, тонг отар, тонг отар, ўгмон!»  
Бор эди, йўқ эди, бор эди отам.  
Бор эди, йўқ эди, дардимга малҳам.  
Бор эди, йўқ эди, бор эди жаллод,  
Отамни ўлдирди, ўлдирди, ҳайҳот!  
Бор эди, йўқ эди, дардимга малҳам.  
«Тонг отар, тонг отар, тонг отар, болам!»  
Бухоро бор эди. Бухоро-ку, бор —  
Беқалъа, бесалла, бетож бахтиёр.  
Отамнинг орзуси хазон бўлмагай,  
Бухоро ўлмагай, сира ўлмагай.  
Бухоро тонгида кезмоқда баҳор.  
«Қуртаклар тафтидан эриётир қор».



Мен билмадим дунёда қачон,  
Қайдан пайдо бўлмишдир ёлғон!  
Қачон адо бўлади ёлғон?  
Мен билмадим,  
Шу менда армон.

Мен билмадим дунёда қачон,  
Қайдан пайдо бўлмишдир ҳасад?  
Қачон ундан қутулар инсон?  
Мен билмадим,  
Шу менда ҳасрат.  
Мен дунёдан ўтганим замон  
Айтсаларки, эди беармон,  
Айтсаларки, эди беҳасрат,  
Йўқ, ишонманг, бу бари ёлғон...

\* \* \*

Кўзларим ичида унмоқда дарахт,  
Кўзларим ичида япроқ шовқини.  
Кўзларим ичида унаётир бахт,  
Унаётир дунёнинг кунд, тунд.

Дарахтни авайлаб асрашим керак,  
Дарахтга хиёнат этмагай кўзлар.  
Кўзларим ичида унар камалак,  
Юрагимда жой олгандир илдизлар.  
Кўзларим ичида дарахт гуллайдир,  
Кўзларим ичида шовуллар бахт ҳам.  
Юрагим заминга бирам ўхшайди,  
Унда гуллайди олам.

## ХАЁЛ

Чумчуққа ҳам парвоз бор, ахир,  
Чумчуқда ҳам бор икки қанот.  
Чумчуқда ҳам овоз бор, ахир,  
Ўзи тўқир дилидан баёт.

Бургутман деб осмонда ўйлар  
Парвоз қилган маҳали жасур.  
Булбулман деб бу мискин куйлар,  
Чумчуқда ҳам хаёл бор, ахир.

## БАҲОР ТУНИ

Бу кеч туннинг жамоли тиниқ,  
Ой кезади беозор.  
Йўлда икки ўрам соч янглиғ  
Солланади дарахтзор.

Тармоқдан тинмагай энди  
Япроқларни шўх шамол.  
Япроқлардан анқир шеър ҳиди.  
Кел, куйлайлик, ойжамол.

\* \* \*

Парча-парча оқ булут  
Юлдузлар бетин артар.  
Фазони қамрар сукут,  
Кел, гулрўйим, тонготар.  
Парча-парча оқ булут  
Ойни ҳам ялтиратар.  
Қўвниқ айтаман ёниб,  
Кел, гулрўйим, тонготар.  
Парча-парча оқ булут  
Ғуборни олиб кетар.  
Барча қаҳрингни унут.  
Кел, гулрўйим, тонготар.

## КУЙ ШАКЛИ

Жон киради дуторга—сайрар қиллар,  
Шўх оҳанг мавжидан яйрайди қўллар.  
Куйдай оқиб чиқди бир гулрў, қаранг,  
Саҳнада сержаранг куй шаклланаар.

## КУРТАКЛАР

Юлдузларнинг ёғдусини  
Кўтариб туриб бошга,  
Илдизларнинг орзусини  
Етказарлар қуёшга.

Шу ҳаётнинг бору йўгини  
Кафтларида тутарлар;  
Илдизларнинг кўшигини  
Куйлаб-куйлаб ўтарлар.

Куйлагайсан, эрка қушим,  
Дилинг нени хушласа.  
Тебранади мовий насим  
Куйинг йўлга бошласа.

Бировларнинг кўнгли учун  
Минғирламоқ сенга ёт.  
Нени кўриб бўлсанг мафтун  
Сайрагайсан шу заҳот.

Парларингни суюб тарар  
Тонг шамоли беминнат.  
Ювинтирар, кийинтирар  
Сени она табиат.

Сен бировга, биров сенга  
Қарам эмас, қушгинам.  
Хурқаяпсан энди нега,  
Дилда борми ё шубҳанг!

Куйлайвергин, то тирикман —  
Сенга йўқдир хавф-хатар.  
Завқ, гамингга меҳ шерикман,  
Тарқатавер хушхабар.

\* \* \*

Үчирмоқчи гулхани қиров,  
Тун гулхани этмоқчи қамал.  
Қора тунни куйдириб олов,  
Хонатласдай товланар ял-ял.

Оловдан кўз узолмас чўпон,  
Оловга у бўлади шайдо.  
Кўйлаклари хонатлас, жонон,  
Хаёлида бўлади пайдо...  
Тун қўйнида сахро мудрайди,  
Гулхан билан ўпишар эпкин.  
Хишир-хишир сас-ла умиди  
Меҳмон бўлиб ё келдимикин!...

\* \* \*

Кўлмак дер: «Сокиндир денгиз ҳам»,  
Шабнам дер: «Бевафо кундуз ҳам».  
Ялтироқ қурт айтур: «Тун ёниб —  
Кундузи ўчадир юлдуз ҳам».

Бошин чўзиб девордан  
Дарахтлар мўралайди,  
Шўх шамолга интизор,  
Кўринмас шамол дайди.

Деворларнинг кифтига  
Дарахтлар тирайди қўл,  
Шамолжонни кутар зор,  
Кимса йўқ «хув» деяр йўл.

Девор ошиб дарахтлар  
Чиқарлар унга пешвоз.  
Висол истаб беозор  
Шамол бермоқда овоз.

\* \* \*

Шамол йиртди тун кўйлагини,  
Осмон юзи қизарди.  
Булбулгинам, қани кўйлагин!

Ҳовузларда чўмилиб шамол  
Турғунликни бузади,  
Исёнларга кўмилар хаёл.

Турғунликни севмайди юрак,  
Томирда қон кезади,  
Турғунликни бузмоғим керак.

Шамол йиртди кун кўйлагини,  
Қуёш қанот ёзади.  
Юраккинам, қани кўйлагин!

Тишиқ тунда эрир эди  
 Диллардаги соғинч ҳам.  
 Ажиб қўшиқ тўқир эди  
 У тор чалиб дамодам:  
 «Белбоғимнинг гулларидан  
 Қўлинг ҳиди келмоқда.  
 Чирмашади гўё маҳкам  
 Гул қўлларинг белбоққа.  
 Белбоғлилар ваъдалари  
 Ёлгон бўлмас, нигорим.  
 Рубобимнинг пардалари  
 Вафони куйлар доим.  
 Қишлоғимнинг йўлларида  
 Хаёл қурғур елмоқда.  
 Белбоғимнинг гулларидан  
 Қўлинг ҳиди келмоқда».

Рангинг бутун бўлмиш заъфарон,  
 Сингилгинам, олма дарахти!  
 Баҳор чоғи сенга беармон  
 Боқар эдим, олашим бахти.  
 Бутун қолдинг қўлинг силкитиб,  
 Кўзёш каби тўкиб баргларинг.  
 Қиш келмоқда энди титратиб,  
 Титрагайдир севинг қалбларинг.  
 Дунё ўзи қизиқ, сингилжон,  
 Кимки қишга чидаса агар,  
 Баҳор гулга буркар бегумон  
 Ва бахт яна таплайди назар.  
 Қўй йиғлама, айлагин бардош,  
 Бир куп қайтар яшил япроқлар.  
 Томирларда кезаркан кураш,  
 Яна гулга тўлгай қучоқлар.

\* \* \*

Кимнидир бузди-ку бу ҳаёт,  
Кимнидир нокас ҳам айлади.  
Мен сенга топиндим, Эътиқод,  
Ҳаётга юрагим бойланди.

Бесабот излади тез нажот,  
Пасткашлик йўлини сайлади.  
Мен сенга топиндим, Эътиқод,  
Саботга юрагим бойланди.

Беймон айлади дод-фарёд,  
Чўнтакка Ватанни жойлади.  
Биз сенга топиндик, Эътиқод,  
Ватанга юраклар бойланди.

\* \* \*

Онамдан меҳр ҳиди таралган каби,  
Шоирдан шеър ҳиди таралган каби,  
Анқисин шеъримдан ўзимнинг ҳидим,  
Дехқондан ер ҳиди таралган каби.



Қуйилганда ҳамал ёмғири шаррос,  
 Далада бошьяланг еларди опам.  
 Дил орзуси гўё этарди парвоз,  
 Куйлаб-куйлаб уйга келарди опам:

«Сочларимни узун этгин, ҳамалжон,  
 Юрганымда ер ўнсин қирқ кокилим.  
 Ўзинг осмон кокилисан ер ўшган,  
 Кошки кўриб қўйолсам толлим-толлим.»

Йиллар ўтиб сочлари бўлди узун,  
 Бўй улади ҳамал орзусига ҳам.  
 Қизалоғини қўлда кўтариб бугун  
 Опам дала кезар куйлаб бошьяланг:

«Қизим сочи узун этгин, ҳамалжон,  
 Юрганымда ер ўнсин қирқ кокили!»  
 «Ҳамал қандай узун этар, нанажон,  
 Ҳамал ким у? Борми оёғи, қўли?»

«Ҳамал — баҳор. Ернинг сочи майсалар.  
 Дарахт сочи япроқлар эрур, қизим.  
 Ёмғир бўлиб ҳар гал қуйилар ҳамал,  
 Қўли теккан сочи этади узун...»

Қизча дилини ўрар ойдин ҳаяжон,  
 Ишонч билан куйлагай у бетиним:  
 «Сочларимни узун этгин, ҳамалжон,  
 Юрганымда ер ўнсин қирқ кокилим!»

Қуёш ботаётган пайт эди,  
Оёқларим остида хазон.  
Қуёш ботаётган пайт эди,  
Сен узоқдан бўлдинг намоён.

Қуёш ботаётган пайт эди,  
Чиқиб келавердинг уфқдан.  
Қуёш ботаётган пайт эди,  
Жунжикиб турардим совуқдан.

Қуёш ботаётган пайт эди,  
Интизор елкамга қўйдинг бош.  
Қуёш ботаётган пайт эди,  
Ботди охир бағримга қуёш...

\* \* \*

Қаллақ тутнинг бўйи чўзилди,  
Чўзилди қуёш.  
Уфққача ўйи чўзилди,  
Чўзилди бардош.

Қаллақ тутни босиб келди тун,  
Энгилмади у.  
Йўқотдию рангини бутун  
Енгилмади у.

Қаллақ тутнинг қўллари чўзиқ,  
Қалбида исён.  
Яна чорлар қуёшни қўшиқ,  
Рангин, беҳазон.

Жилдир-жилдир оқади тун жылғада,  
Юлдуз бўлиб, моҳтоб бўлиб, куй бўлиб.  
Жилдир-жилдир оққан туннинг мавжида  
Орзу оқар ялпиз сочган бўй бўлиб.

Бир туп қамш лабларида куй ётар,  
Жилға лаби гарчанд унга пайванддир.  
Жилдир-жилдир шўх жылғада тонг отар  
Қуёш бўлиб, осмон бўлиб кўкнимтир.

\* \* \*

#### Ҳамробибига

Болалар лабига кулги улашар  
Бухоро лойидан ясалган хуштак.  
Милтиқча яшдан қилади ҳазар,  
Ясайди булбулча, бўталоқ, лайлак.

«Чурр» этиб овоза қилса бўталоқ,  
«Чурр» этиб қўшилар митти тойчоқ ҳам.  
Болалар севиниб тутади қулоқ  
«Уруш», «уруш»ларни унутиб шу дам.

Мақсади лабларга кулги улашмоқ,  
Болалар солмасин милтиққа назар.  
У билар урушни, билар не фироқ,  
«Фироқни билмасдан ўссин болалар...»

## ПАБЛО НЕРУДА СЌЗИ

Нечун қора кийибсиз,  
Азами тирикка ҳам?  
Арвоҳимга чўкиб тиз  
Мадад истаманг, бўтам!

Тирикка арвоҳ бўлмас,  
Қабрлардан изламанг.  
Қабр-ку менга қафас,  
Тугамаган ҳали жанг.

Сафдадир доим аскар,  
Бурч ҳар нарсдан устун.  
Кўзимни юдим бугун  
Эрта уйғонмоқ учун.

\* \* \*

Кўзларимга киради тоғлар,  
Сўзларимга киради тоғлар.  
Мен йўқотдим тоғдай отамни  
Тоғда...  
Одам бўлиб,  
Отам бўлиб  
Кўзларимга киради тоғлар.

## ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ ПЕШТОҶИДАГИ ТАСВИР

Беғубор осмонга тикканича кўз  
Қанотларин ёзиб учолмас товус,  
Тунлари умиддай ёнади юлдуз.  
Кечалар ўтибди, тонглар отибди,  
Кўзидан ёшини оқизиб ёлғиз.  
Қанотларин ёзиб учолмас товус.  
Ёйилган қаноти ерда ётибди,  
Оёқлари кишан аро қотибди.  
Кўзларига қайғулари ботибди,  
Умидини кўкдан узолмас ҳануз,  
Оёғига замон занжир отибди,  
Қанотини ёзиб учолмас товус.  
Умидлари чил-чил синди ҳавода,  
Асри қолди «фироқ» деган навода,  
Беш юз йилки руҳи эмас афтода,  
Асри билан ҳар тонг бўлар юзма-юз,  
Армонлари камалақдир самода,  
Қанотини ёзиб учолмас товус.  
Мен ҳам сирли сайёралар асири,  
Қулоғимда юлдузларнинг шивирини,  
Олиб кетар бу шивирлар охири.  
Учаяпман кенгликлар бўйлаб бесўз,  
Кўзларимда ўша қушнинг тасвири —  
Қанотини ёзиб учмоқда товус...

Ой нурида қоқади қанот  
Қанотсиз хазон.  
Ой нурида оқарар симоб —  
Шохларда мезон.

Ой нурида яланғоч новда  
Сояси титрар.  
Ой нурида ёнувчи борда  
Шарпалар синар.

Ой нурида шовиллаб пастда  
Сой оқар шитоб.  
Сой бағрига киради аста  
Сеҳргар моҳтоб.

\* \* \*

Чирт этиб узилди куй,  
Осмонда сўнди юлдуз.  
Чирт этиб узилди куй,  
Юлдуз қабри бўлди кўз.

Чирт этиб узилди куй,  
Само қолди бўзариб.  
Чирт этиб узилди куй,  
Ой кезар ғамгин ғариб.

\* \* \*

Илдизлар ҳам парвоз этмоқчи бўлар,  
Илдизлар ҳам чиқмоқ бўларлар нурга,  
Япроқлардан кўкка гоҳ ташлаб назар  
Юраклари тўлажақдир сурурга.

Юксакликни қўмсайди илдизлар ҳам  
Тупроқни қўпориб, кўтариб исён.  
Хизматлари эсларига тушган дам  
Эсларидан чиқа бошлайди осмон.

\* \* \*

Майсаларни босиб юрибсан  
Боқмай дунё баланд-пастига.  
Бир кун сени эй, гофил кимса!  
Олар майса оёқ остига.

## ОБИДА

Тошлар куйламоқда тақдирларини,  
Тошлар куйламоқда, тинглайди дунё.  
Тошлар куйламоқда қалб сирларини,  
Куйламоқда гўё Ўрта Оснё.

Тошларни куйлатган бобом қўллари,  
Тошларни куйлатган занжирбанд қўллар.  
Узундир, чигалдир мозий йўллари,  
Лекин ярим йўлда қолмайди куйлар.

Занжирбанд қўлларнинг озод овози —  
Янграмоқда ҳамон.  
Қалбда бор дардим,  
Озод бўлганда-чи, унинг парвози  
Балки етти қават кўкка етарди...

Ҳар ишга чора бор дердилар, ажаб,  
Ўйлардим чорасиз дард бўлмайди деб.  
Минг йиллик эҳромлар юзига қараб,  
Ўйлардим волидам, ҳеч ўлмайди, деб.

\* \* \*

Шаҳризодам, бир эртақ айт бу кеча,  
Эртақларинг қўйишга мени кўмгил.  
Ором олсин сўнгсиз хаёллар пича,  
Эртақларга айланмоқ истар кўнгил.

Ёвузларни, ялмоғиз кампирларни  
Девларни ҳам, париларни ҳам қўйгил.  
Куйла поклик тўла шан қасрларни,  
Эртақларга айланмоқ истар кўнгил.

Тутқунлардан, алдовлардан гаширма,  
Бир боргина менинг сўзимга кўнгин.  
Кўзларингга сингиб мисоли сурма  
Эртақларга айланмоқ истар кўнгил.

Ерни яғмо этадиган кучларни  
Шаҳризодам, етар, айтмоқдан тингил.  
Унутайлик бу кеч қасдлар, ўчларни,  
Эртақларга айланмоқ истар кўнгил.



## ИНҚИЛОБЧИ ҲАЛИМ АШУРОВ СЎЗИ

Эй, Бухоро! Сени сотганлар қани?  
Сенга қараб тўндан отганлар қани?  
Олтин, кумушларга ботганлар қани?  
Сенга ҳукмдормиз деганлар хокдур.

Сенга ҳукмдорлик қилиб бўларми?  
Ё сенга маккорлик қилиб бўларми?  
Бағринг пок, мурдорлик қилиб бўларми?  
Сенга ҳукмдормиз деганлар хокдур.

Бағринг чок, олтину дурлар не бўлди?  
Чингиздай ўт қўйган «зўр»лар не бўлди?  
Сени тарк айлаган кўрлар не бўлди?  
Сенга ҳукмдормиз деганлар хокдур.

Ақлу заковотнинг суратимисан?  
Меҳнаткаш халқимнинг сийратимисан?  
Буюклар руҳининг қудратимисан?  
Сенга ҳукмдормиз деганлар хокдур.

Билдим, келажаги экан омонат  
Инқилобга қимми этса хиёнат,  
Эй, Бухоро! Бизда тирик диёнат!  
Сенга ҳукмдормиз деганлар хокдур.

## РОСТГУЙЛИК

Амир Темур ўлгандан сўнг осондир,  
Золим эди Темурланг, демоқ осон.  
Бир Афанди Темур тириклигида  
Рост гапирди, сўзламади ҳеч ёлгон.

Қачонгача бизга қалқон Афанди?  
Уяламаи, бизлар бир неча миллион.  
Афанди-чи, битта, Афанди — битта,  
У рост сўзлар, бизлар гапирсак ёлгон.

Англаб олдим! Афанди бўлмоқ душвор,  
Афандида бўлмаган мансаб, пишон,  
Лекин журъат, имон бўлган, эл бўлган,  
Шу сабабли сўзламаган ҳеч ёлгон...

\* \* \*

Хушёр бўлмоқ керак ҳар нафас,  
Чайқовчига бу зот ўхшайди:  
Аввал сотиб ўзини, кейин  
Ўзгаларни сота бошлайди.

\* \* \*

Тонг отмоқда. Ҳавода гард йўқ,  
Гумбазда уйғонди ранг.  
Лаби Ҳовуз лаблари кўм-кўк,  
Тоқп Телпак бошланг.

Тонг отмоқда. Кўксим осмони  
Қуёш билан чулғанар.  
Қимлар рост гап, қимлар ёлгонни  
Уйғотмоқ-чун уйғонар.

# АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚОВ СЎЗИ

Сабаби не экан?—  
Баҳорми, куз, ёз  
Дўрмонда зоғлар кўп,  
Булбуллар-чи, оз.

## АШУРАЛИ СЎЗИ

Кўкка парвоз этай десам,  
Зоғдан кўнгил ғашланар.  
Юрай десам ерда агар,  
Нетай. итлар ташланар.

## ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Бургут насибасига  
Шерик бўлмоқни истаб,  
Симтўрдап ўтар чумчуқ,  
Нафси қўймайди қистаб.

Симтўрдап кириб-чиққан  
Чумчуққа этиб ҳавас,  
Бургут дер: «Афеус, жисмим  
Чумчуқдай кичик эмас».

\* \* \*

Ҳаттоки гуниг тўнгани  
Болта келиб бўзлатди,  
Сўниг эса олов келиб  
Гуниг тўнгани сўзлатди.  
Сен қачон гапирасан?!

# МУНДАРИЖА

«Эл меҳри» . . . . .	3
«Қуёш қучоғимизда» . . . . .	4
«Онамни топширдик», «Келаётир», «Йўқ...» . . . . .	5
Хотира куни . . . . .	6
Афандининг анонимчига жавоби . . . . .	8
Кўмилган ҳовузларга марсия . . . . .	9
Ҳамробибига эртаги . . . . .	10
Ҳамробибига марсия . . . . .	10
Шаҳри Ҳайбар . . . . .	11
«Бухорода туғилдик гарчи» . . . . .	12
Қадимий куй . . . . .	13
Бухоронинг ёши . . . . .	14
Сайроб панжобидаги дарё балиғи . . . . .	16
«Бамисли қаноти» . . . . .	16
«Теракларнинг учларига» . . . . .	17
Дилижон . . . . .	17
Бир мисра шеър шарҳи . . . . .	18
Бухоро. Зилзиладан сўнг . . . . .	19
Тўртликлар . . . . .	20
«Бахт нима у?» . . . . .	21
«Учиб кетди» . . . . .	22
«Оққушгинам» . . . . .	22
«Юрагим мисоли Бухоро» . . . . .	23
Суҳбат . . . . .	24
«Сени соғинганимни» . . . . .	25
Ибн Синога . . . . .	26
Насриддин Афанди суҳбатларидан . . . . .	28
Онамни соғиниб . . . . .	30
«Қандай сендан олайин хабар» . . . . .	30
«Тунлари ўлчайди савоб, гуноҳни» . . . . .	31
Ҳайрат Бухорий . . . . .	33
Шайх Баязид Бостомий сўзи . . . . .	33
Қурбон Шариф Зафари . . . . .	34
Устоз Айнийга . . . . .	34
Ширинкор . . . . .	35
Зардўз қизга . . . . .	36
Эски Бухоро халқ қўшиқлари . . . . .	36
«Тушиб келдинг» . . . . .	37
1917. Бухорода тарқалган гап . . . . .	37
«Сиймтаи улар, кўзлари» . . . . .	38
«Ой қуёшига» . . . . .	39
«Ойналарини» . . . . .	40
«Ҳотам битга» . . . . .	40
«Кўпригингдан бир куни» . . . . .	41
«Менда бўлса» . . . . .	41
«Тароқдай минг тил билан» . . . . .	42
«Кўзмунчоқдай холинг» . . . . .	42

«Сувдан паҳр»	43
«Қийиқ боғлаб чиқай»	43
«Ўзгарар вазир»	44
«Жаранг-журунг»	44
Бухоролик темирчи Аминбобо сўзи	45
«Қувонч бўлиб»	45
Шергирон қишлоғи	45
«Унинг қилган гуноҳлари»	46
«Кўҳна тол»	46
«Куз кетади»	46
«Кимлардир сиғинди»	47
«Чарспалатар қамчисин»	47
Онам васияти	47
«Ракеталар учун»	48
«Бир қарасам»	48
«Ҳар бир гунча»	48
«Дунёдаги барча милтиқлар»	49
«Яланғоч новдаларга»	49
Лабн ҳовузи девонбегида	49
«Еш билан»	50
«Ҳидлар бесас»	50
«Оёғим йўқ»	50
«Майсалар оқади»	51
Телпақдўз Усмоиға	51
Баҳор	51
«Куртаклар дарахтнинг»	52
«Бухоронинг паст»	52
«Балаи курси»	52
«Дўстим»	53
«Куз шамол»	53
Келишиб яшаш	53
«Қизиқ лойдан»	54
«Дарахт, сенинг»	54
«Ҳовузга шарпасиз»	54
«Чўнтакларинг ҳисобсиз»	55
«Ҳарфлар миқлат хотирасидир»	55
«Аскарлардан келарди»	55
Хат	56
«Кўзнинг ҳиди»	56
Бибимға	56
«Сочингга илашган»	57
Ез	57
Бухенвальд, 1986 йил	57
Ўғлимға хат	58
«Во ажабки»	59
«Яшасада баъзан»	60
Саёҳат	61
«Рангип»	62
Баҳриддиннинг жавоблари	63
Баҳриддиннинг туши	64
Машраб	65
«Мўъжиза беҳисоб»	65
Афандилар	66
«Кенг саҳрода икки»	67
Бухоролик тароқчи Ашур Бобоға	68
«Юрагимни очиб қўйдим»	68
«Бизга ҳайрон»	69
Мирзо Азими Сомий Бўстоний сўзи	70
«Ер қаъридан чиққан»	70
«Қошинг ўсмасини»	71

«Хомуш ётар тепалар» . . . . .	71
«Амир Абдулаҳад ҳукмдор» . . . . .	72
«Қокилингги қимирлат» . . . . .	73
Сомоний мақбараси ёнидаги дарахтга . . . . .	74
«Қимга етар юрагим» . . . . .	75
«Лим-лим тўлиб» . . . . .	76
«Кел, гўзалим» . . . . .	76
«Қум ўйларни...» . . . . .	77
«Қишлоқда бор эди» . . . . .	77
Қалқонлар . . . . .	79
Уста Ширин Муродов сўзи . . . . .	80
Отам Муллонаби Салим ўғлига . . . . .	81
Ҳамрони хотирлаб . . . . .	81
«Зулфларнингга» . . . . .	81
Улуғ Ватан уруши ветерани Саъдулло акага . . . . .	82
«Гарчи тили» . . . . .	83
«Бутун замин» . . . . .	83
Олтмиш кун хорижда . . . . .	84
Фрау Карин Гронер сўзи . . . . .	84
«Далаларнинг» . . . . .	84
«Дўстим, ростп» . . . . .	84
«Шоҳчалар инграйди» . . . . .	84
Лаҳза . . . . .	85
«Булутлар сўзлайди» . . . . .	85
Мубинга . . . . .	85
Бухоронинг уйлари . . . . .	85
«Бу эмас» . . . . .	85
Ҳазрати имом қабристонига битик . . . . .	85
«Деразаннинг» . . . . .	86
«Дарё...» . . . . .	86
«Бола борар» . . . . .	86
«Моҳтобсиз сўлим кеча» . . . . .	87
«Қуюн учирмоқчи» . . . . .	87
Ҳижрон . . . . .	88
«Акам Махсум» . . . . .	89
«Қимлар сени» . . . . .	89
И. В. Гёте. «Мағрибу Машриқ» девонидан . . . . .	90
Беш хислат . . . . .	91
Ўзга беш хислат . . . . .	91
Сир . . . . .	92
Мозий ташрифи . . . . .	93
Зулайҳо . . . . .	94
Ҳотам . . . . .	94
Вафо тимсоллари . . . . .	96
Карл Микельдан Жаннат дарбозаси рўнарасида . . . . .	97
Эва Штриттомарттердан . . . . .	97
Яккалик . . . . .	97
Вақт . . . . .	97
Сўроқ . . . . .	97
Бошиана . . . . .	97
Йўқотилган йил . . . . .	97
Мактуб . . . . .	98
«Қимни фарздир этмоқ» . . . . .	98
Айнийга мушт кўтарган бола . . . . .	99
Шоир рафиқаси сўзи . . . . .	100
Мирзо Азими Сомий сўзи . . . . .	101
«Уруш олиб кетди отамни» . . . . .	101
Хазина . . . . .	102
«Баҳорда қўл чиқарди» . . . . .	103
Европада шаҳид бўлган аскар сўзи . . . . .	104

«Ўзбекистон...»	104
Устод Айний ўғитлари	105
«Шиддат билан...»	106
«Ўйнаб ариқ лабида»	106
«Ариқ бўйи...»	107
«Бориб қолдик ўрмонга...»	107
Йўқолган китобларга марсия	108
«Яширмасди ҳеч армонини...»	108
<b>Болаларга</b>	
«Кескир ўроқ қўлида...»	109
Манзара	109
«Экишни бошладилар...»	109
«Рассом бўламан, дейди»	110
«Шилдир-шилдир...»	110
«Гул эқдилар...»	111
«Титраган пичанлар...»	111
«Кипригингда...»	112
Бухоро эртаги	112
«Мен билмадим...»	113
«Кўзларим ичида...»	113
Хаёл	114
Баҳор туни	114
«Парча-парча...»	114
Куй шакли	115
Куртаклар	115
«Куйлагайсан...»	116
«Ўчирмоқчи гулханни...»	117
«Кўлмак дер...»	117
«Бошин чўзиб девордан»	118
«Шамол йиртди...»	118
«Тиниқ тунда...»	119
«Рангинг...»	120
«Кимдир...»	120
«Онамдан меҳр ҳиди...»	120
«Куйилганда ҳамал ёмғирин...»	121
«Куюш ботаётган...»	122
«Қаллак тутнинг...»	122
«Жилдир-жилдир оқади...»	123
«Болалар лабига...»	123
Пабло Неруда сўзи	124
«Кўзларимга киради тоғлар...»	124
Девонбеги мадрасаси пештоқидаги таъбир	125
«Ой нурида...»	126
«Чирт этиб узилди...»	126
«Илдизлар ҳам...»	127
«Майсаларни...»	127
Обида	127
«Ҳар ишга чора»	128
«Шахризодам...»	128
Инқилобчи Ҳалим Ашуров сўзи	129
Ростгўйлик	130
«Хушёр бўлмоқ керак...»	130
«Тонг отмоқда...»	130
Азиз Абдуразоқов сўзи	131
Ашурали сўзи	131
Ҳайвонот боғида	131
«Ҳаттоки...»	131



ЛИРИКА

*На узбекском языке*

САДРИДДИН САЛИМОВ

ПЛАТОЧЕК

Стихи

Тақризчи Шукур Қурбонов

Жамоатчи редактор М. Кенжабоев

Нашриёт редактори А. Қутбиддинов

Рассом А. Холиқов

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректор Д. Абдуллаева

ИБ № 4065

Муқовада рассом Баҳодир Жалолов асаридан фойдаланилди.

Босмахонага берилди. 6.01.88. Босишга рухсат этилди. 30.03.88.  
Р 14605. Формати 70 × 84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босмахона қоғози № 2. Янги-оддий гарнитура.  
Юқори босма. Шартли босма л. 8.1. Шартли нр. — отгиси 8,95. Нашр  
л 4,83. Шартнома №154-87. Тираж 10000. Заказ 1091. Баҳоси 80 т.  
Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент  
Навой кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош  
корхонасида тертиб, 3-босмахонада босилди. 700194. Тошкент,  
Юнусобод массиви, Муродов кўчаси, 1.